Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Узбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 7 июнь, сешанба № 99 (21.703). Сотувда эркин нархда

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЕН САМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИ



Халқлар Дўстлиги саройининг мажлислар залидаги музокаралар пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ВА Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

4 июнь куни Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам давлат ташрифи билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида Ким Ен Сам жаноблари ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар Президентлар ва уларнинг рафиқаларига гуллар тақдим этдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ким Ен Сам юксак мартабали меҳмон шарафига саф тортган миллий гвардия аскарлари вакилларидан иборат фахрий қоровул олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ва хорижий мамлакатларнинг республикамиздаги дипломатия корпуси вакиллари Ким Ен Сам жанобларига таништирилди. Ўз навбатида Корея Республикаси Президенти ҳам ўзига ҳамроҳлик қилаётган ҳукумат аъзоларини таништирди.

Шундан сўнг автомобиллар карвони юксак мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Аэропорт ва Тошкент кўчаларига чиққан шаҳарликлар Ким Ен Сам жанобларини олқишлар билан қаршиладилар.

* * *

Шу куни Президентнинг Дўрмондаги қароргоҳида совғалар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ислом Каримов билан Ким Ен Сам яккама-якка суҳбатлашдилар.

* * *

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва рафиқаси ташрифининг иккинчи куни Самарқанд сафаридан бошланди.

Корея ва Ўзбекистон давлат байроқлари тикилган аэропортда иккала мамлакат Президентлари ҳамда уларнинг рафиқаларини Самарқанд вилояти ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмонлар қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини томоша қилдилар. Шоҳи Зинда ва Гўри Амир мақбаларини зиёрат этдилар. Регистон майдонида олий мартабали меҳмонлар шарафига Самарқанд санъат усталари ижросидаги концерт намойиш этилди.

— Бу кўҳна заминда кўрганларим менда теран таассурот қолдирди,— деди Ким Ен Сам жаноблари ЎзА мухбири билан суҳбатда.— Кўркам обидалар бебаҳо санъат намуналарини яратган халқнинг қадимий маданияти, анъаналаридан далолатдир. Бу ерда мен ўзига хос маҳоват ва заргарона нафис меҳнат самарасини кўрдим. Ҳар иккала фазилат ҳам мени лол қолдирди. Яна бир карра шарқ халқлари аждодларининг юксак маданияти қаршисида таъзим қиламан.

* * *

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва рафиқаси Президентимиз Ислом Каримов ҳамда рафиқаси ҳамроҳлигида Самарқанд сафаридан сўнг Тошкент вилоятидаги Ким Пен Хва номли корпорацияда бўлди. Мартабали меҳмонларни корпорациянинг турли миллат вакилларидан иборат меҳнаткашлари шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар.

Ким Ен Сам жанобларининг Ислом Каримов ҳамроҳлигида ушбу хўжаликка ташриф буюриши узоқ йиллардан буён шу ерда яшаб келаётган Ўзбекистонлик корейсларнинг қалбларини тўлқинлантириб юборди. Хўжалик маркази чинакам байрамона тусга кирди. Ислом Каримов ва Ким Ен Сам кўп йиллар хўжаликка раҳбарлик қилган ва унинг юксалишига катта ҳисса қўшган Меҳнат қаҳрамони, турли миллат вакилларидан иборат аҳил бир жамоани шакллантирган инсон — Ким Пен Хва шарафига ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилдилар. Жамоанинг меҳнат фахрийлари билан суҳбатда бўлдилар. Кексалик гаштини сураётган Наталья Хван Корея Президентига бу ерда яшаётган корейсларнинг турмуш тарзи ҳақида гапириб берди.

Ким Ен Сам жаноблари корпорациянинг пахта далаларида бўлиб, ғўзани парваришлаш агротехникаси билан танишди. Икки мамлакат раҳбарлари корпорациянинг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи музейни бориб кўришди.

Корпорациянинг «Қутб юлдузи» кошонасида Корея ва Ўзбекистон Республикалари Президентлари юртимизда яшаётган корейсларнинг вакиллари билан учрашдилар. Президентимиз Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда ўзбекистонлик корейс ларнинг муносиб ўрни ҳақида гапирди.

* * *

6 июнь куни Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боққа ташриф буюрди. Икки мамлакат раҳбарлари шеърият мулкининг султони, халқлар дўстлиги қуйчиси, улуғ мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Ким Ен Сам жаноблари олийлари юксак мартабали меҳмонни олқишлаш учун миллий боққа келган уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар билан учрашди. Мамлакатимиз фуқаролари бўлган турли миллат вакиллари ўзбек ва корейс халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида икки давлат раҳбари олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

Боғ зиёратидан сўнг Халқлар дўстлиги саройида расмий музокаралар бошланди. Музокаралар чоғида ўзаро муносабатларни янада юқори босқичга кўтариш истаги зоҳир бўлди. Ўзбекистон билан Корея ҳукуматлари ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик ва самолётлар қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги битимлар, фуқароларнинг эркин борди-келдилари тўғрисидаги ўзаро англашмалар меморандуми ҳамда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув ва ҳамкорликка оид протоколнинг имзоланиши ана шу эзгу ниятнинг ифодасидир. Бу ҳужжатларни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Ген имзоладилар.

Ислом Каримов музокаралар самарали бўлганини қайд этар экан, эришилган аҳдномалар ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта имкониятлар яратишини таъкидлади.

Ким Ен Сам жаноблари ташриф чоғида ўзига кўрсатилган ҳурмат ва Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб аҳолининг яхши турмуш кечириши, миллий ўзига хослигини асраши борасида яратилган шарт-шароит учун миннатдорлик билдирди. Корея Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида билади ва у билан алоқаларни кенгайтиришга интилади, деди Корея Президенти.

* * *

Музокаралар ниҳоясига етгач, Ислом Каримов ва Ким Ен Сам Ўзбекистонлик ва хорижлик журналистлар билан учрашди. Унда Корея республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани яна бир карра қайд этилди.

Биз Корея Республикаси Президенти жаноб Ким Ен Самнинг мамлакатимизга ташрифи муваффақиятли ва самарали бўлди, деб ҳисоблаймиз деди Ислом Каримов. — Ўзаро учрашувлар, мулоқотлар ва музокаралар чоғида халқаро ҳамда минтақавий муаммоларга муносабат борасида қарашлар яқинлиги аён бўлди. Ўзбекистоннинг бой табиий захиралари, инсоний ресурслари ҳамда Кореянинг юксак даражада ривожланган саноати, замонавий технологиялари ҳамкорликни тақозо этади. Бу ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлиши шубҳасиз. Муносабатларимиз бошланганига энди икки йил тўлганига қарамай, ҳозиргача яхши натижаларга эришмоқдамиз. Жанубий Кореянинг «Дэу», «Самсунг», «Голдстар» корпорация ва фирмалари мамлакатимиз ишбилармонлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда республикамизда 20 га яқин Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатаяпти.

— Ўзбек халқи корейсларга катта ҳурмат билан қарайди, деди Ўзбекистон Президенти Сеул рўзномаси мухбирининг республикамизда яшаётган корейслар хусусидаги саволига жавобан. — Маълумки, улар 1937-39 йилларда, Сталин қатағони пайтида Узоқ Шарқдан бу ерга кўчирилган эди. Биз, қарийб, 50 йилдан буён елкадош бўлиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб келяпмиз. Корейслар ўзининг меҳнаткашлиги, кўнгли очиқлиги билан ўзбекларга ўхшайди. Ана шу фазилатлари туфайли улар ҳурмат-эътибор топди. Бизга эл бўлди. Куни кеча Ким Пен Хва корпорациясида жаноб Ким Ен Самнинг жамоа аҳли билан учрашуви чоғида бунга амин бўлиш мумкин эди. Учрашув чоғида хўжалик хизматчиларидан бири ўз турмуши ҳақида Президент жанобларига сўзлаб берди. Уч фарзанди олий маълумотга эгалигини айтди. Ўзбекистонда 22 миллион аҳолининг тахминан 16 фоизи олий маълумотга эга. Корейс миллатига мансуб фуқароларимиз орасида бу кўрсаткич янада юқорироқ. Айни замонда республикамизда 28 та корейс миллий-маданий маркази мавжуд. Корейслар мамлакатимиздаги барча этник гуруҳлар қатори тенг ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар. Ҳозир 200 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб фуқаромиз бор. Улар бошқа миллат вакиллари қатори мамлакатимиз қудратини ошириш йўлида меҳнат қилишяпти. Миллий анъаналарни сақлаш, миллий маданиятни ривожлантириш борасида уларга барча шароитлар яратилган. Ана шундан бўлса керак, Жанубий Кореяда ҳаёт фаровонроқ бўлишига қарамай, юртимизнинг бирор корейс фуқаросн ўзининг азалий ватанига кетиб қолаётгани йўқ. Зеро, улар яқин келажакда Ўзбекистон ҳам юксак тараққиётга эришишига қатъий ишонадилар.

Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ҳам Ўзбекистондаги корейслар ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамроқ боғловчи бўғин бўлишига ишонч билдирди. У ҳамкорликни ҳукумат даражасидагина эмас, балки корхоналар жамоат ташкилотлари даражасида ҳам кенгайтириш лозимлигини таъкидлади.

— Ўзаро музокаралар давомида биз кўпгина муаммолар хусусида фикрлашиб олдик, — деди жаноб Ким Ен Сам. — Улар орасида Корея ярим оролини ядросиз минтақага айлантириш масаласи ҳам бор эди. Шуниси қувончлики, бизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз қўллаб-қувватланди. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ниятидамиз. Яқинда бу борадаги имкониятларни ўрганиш учун мутахассислар гуруҳини юборамиз. Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя сарфлаш мақсадида бўлган кореялик ишбилармонларни қувватлаш, рағбатлантириш чораларини кўриш ниятидамиз. Кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонда машинасозлик, электроника, алоқа тармоқларини ривожлантириш, газ қазиб олишда кўмаклашадилар.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири мамлакатимиз Президентига шундай савол билан мурожаат қилди: республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан Корея Республикаси иқтисодиётини ислоҳ қилишда қўлланилган ёндашувлар ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Уларнинг энг асосийлари — кучли ижроия ҳокимияти, режалаштириш, прогматизм. Кореядаги ислоҳотлар тажрибасининг яна қайси жиҳатлари эътиборга лойиқ деб ўйлайсиз?

— Корея Республикаси, — деди Ислом Каримов, — бугунги кунда жаҳондаги энг ривожланган ўн давлатдан биридир. Мамлакат иқтисодиёти тез суръатлар билан юксалиб бораяпти. Албатта бунинг сабаблари кўп. Улардан энг асосийларини айтиб ўтишим мумкин. Биринчиси — корейс халқининг тараққиётга, ватан манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилишга доимий интилишидир. Зеро, буюк мақсадларга эга бўлган ва ҳар куни ана шу мақсадга эришиш учун сидқидилдан меҳнат қиладиган, улуғвор интилишлар йўлида бирлашган миллат мўъжизалар яратишга қодир. Иккинчидан, Кореяда ҳар бир киши ўз ўрнини яхши билади ва вазифасини садоқат билан бажаради. Учинчидан эса, Корея демократияси ўзига хос жиҳатларга эга. Яъни бу ерда ҳеч ким демократияни бошбошдоқлик деб тушунмайди. Айнан мана шу жиҳатлар биз учун ҳам муҳим. Биз бу фазилатлардан ибрат олишимиз, ўз амалиётимизда, демократик жамият барпо этишда фойдаланишимиз зарур.

Кореялик мухбир икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг келгусидаги кўламини билиш мақсадида, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари билан қизиқди. Бу саволга жавобан Ислом Каримов америкалик мутахассисларнинг хулосасини келтирди. Маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг минерал хом-ашё ресурслари 3 триллион долларлан зиёд қийматга тенг экан. Бундан ташқари, Ўзбекистон пахта етиштиришда дунёда учинчи, олтин захиралари бўйича бешинчи, ва уни қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринда туради. Газ ва рангли металлар қазиб олиш бўйича ҳам жаҳон мамлакатлари орасида дастлабки ўнликдан ўрин олган, деди Ўзбекистон Президенти. — Бу фактлар мамлакатимизнинг имкониятлари нақадар катта эканлигини исботлайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб бердилар.

* * *

Шу билан Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ҳар икки мамлакат раҳбарлари алоҳида таъкидлаганларидек, ташриф сермазмун ва самарали бўлди. Ким Ен Сам рафиқаси билан 6 июнь куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Ташриф дастурига кўра, Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни кузатиш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Корея Республикалари байроқлари кўтарилди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг Ким Ен Сам Ислом Каримов ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, самолётга кўтарилди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берди.

— Ким Ен Сам билан бўлиб ўтган суҳбатлар ва музокаралардан катта қониқиш ҳосил қилдим,— деди мамлакатимиз раҳбари.— Имзоланган ҳужжатлар ҳар икки мамлакат халқи манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз. Корея Президентининг юртимизга ташрифи ўзаро ҳамкорликнигина эмас, халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни ҳам янги поғонага кўтаради.

Юксак мартабали меҳмонни кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Ген И иштирок этдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИ XVIII ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ТАБРИГИ

Муҳтарам матлуботчилар!

Сизларни Ўзбекистон матлубот жамиятлари уюшмасининг навбатдаги қурултойи очилиши билан табриклайман.

Ушбу анжуман мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичига дадил қадам қўйган даврда ўтмоқда. Бозор муносабатлари шаклланаётган, ишбилармонлик ва ташаббускорлик рағбат топаётган бугунги кунда қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Кооператив мулкни бошқа мулк шаклларига айлантириш, матлубот жамиятлари уюшмаларининг ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Айни пайтда Ўзбекбирлашув тизими қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш ва товар ресурсларини кўпайтириш мақсадида тижорат ишларини тўдан яхшилашга ва савдо эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериши зарур.

Ички бозорни хилма-хил ва сифатли моллар билан тўлдириш учун матлубот жамиятларимиз ҳамдўстлик мамлакатларида ва хорижда ташкил этган савдо уйлари фаолиятини кучайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Шунингдек, халқаро кооператив уюшмага аъзо бўлган мамлакатлар билан товар айирбошлаш операциялари ҳажмини кескин ошириш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қадрли дўстлар!

Қурултой ишига муваффақият, қурултойнинг барча қатнашчиларига сиҳат-саломатлик, мустақил Ўзбекистонимиз ривожини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган ишларингизда катта ғайрат ва муваффақиятлар тилайман.

● ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ

ТОШКЕНТДА ЯНА УЧРАШАМИЗ!

Теннис бўйича «Президент кубоги» учун халқаро мусобақанинг якунловчи кунида шундай сўзлар янгради. Бу сўзларни барча: Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё тарихидаги биринчи профессионал спортчилар мусобақаси ташкилотчилари ҳам, иштирокчилари ҳам, томошабинлар ҳам айтди. «Президент кубоги» мусобақаси 150 минг Америка доллари миқдорида соврин жамғармасига эга бўлган «Челенжер» тонфасидаги турнирларда биринчи бор ўтказилишига қарамай, унда ер курраси даги барча қитъаларнинг ракетка усталари иштирок этди.

Дастлаб жуфтликлар бўйича мусобақа ғолиблари аниқланди. Марокашлик Карим Аламий билан венгриялик Шандор Ножали россиялик Александр Меринов билан грузиялик Владимир Габричидзени мағлубиятга учратдилар.

Якка кураш бўйича финалда америкалик Чак Адамс бельгиялик Филипп Дель Вульф билан учрашди. Биринчи «Президент кубоги»ни уч ўйинни ҳам ғалаба билан якунлаган Чак Адамс қўлга киритди.

Сўнгра марказий кортда мусобақа ёпилишига бағишланган тантанали парад бўлди. Финалга чиққан спортчилар, ҳакамлар, мусобақа директорлари ва ташкилотчилари, мусобақани ўтказишга ёрдам берган Тошкент теннис мактабларининг ёш тарбияланувчилари майдонга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов спорт байрами иштирокчиларига мурожаат қилиб, уларни «Президент кубоги» мусобақаси муваффақиятли якунлангани билан табриклади, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият тилади. Профессионал теннисчиларнинг биринчи мусобақаси ўзининг асосий вазифасини бажарди, — деди давлатимиз бошлиғи. — Бу ўйинлар минбарлардан туриб кузатганларга ҳам, телеэкран қаршисида томоша қилганларга ҳам катта завқ-шавқ бағишлади. Кўп сонли томошабинлар орасида бу ажойиб ўйиннинг минглаб янги муҳлиси пайдо бўлганига, келажакда улар халқаро майдонларда ўзларини кўрсатишига ишонаман.

Бу ажойиб мусобақада иштирок этганларнинг ҳаммаси ўз спорт маҳоратини оширишга муваффақ бўлди,— деди Президентимиз.— Аммо, энг муҳими — Тошкентда бу учрашув уларга Ўзбекистонга меҳр қўйиш, тинчлик ва барқарорлик нималигини англаш имконини берди. Айни шу тинчлик ва барқарорлик туфайлигина бу ажойиб байрамни ўтказиш мумкин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мусобақада иштирок этган спортчиларга, бу учрашувни режалаштириб, уни ташкил этишда жон куйдирганларга миннатдорлик билдирди, таниқли ишбилармон, Швейцариялаги «Интернейшнл Теннис Промоушн» компаниясининг президенти жаноб Сасон Какшурига эса, алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари Ўзбекистоннинг саҳий заминини, Тошкентни севиб қолишганига ишончим комил,— деди провардида Ислом Каримов. — Яна шунга ишончим комилки, кўпгина теннисчилар қизиқарли ўйинлари билан бизни хурсанд қилиш учун келажакда ҳам республикамиз пойтахтига келиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чак Адамса кумуш тагдонли биллур гулдон ва 18 минг доллар пулни топширди. Бу спортчи Тошкентдан уйига Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси таъсис этган махсус соврин — катта биллур гулдонни ҳам олиб қайтади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Президент кубоги» мусобақасини ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков мусобақа қатнашчиларига қимматбаҳо тайёрлаган совринларни топширди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Жаноб С. Какшури биринчи халқаро теннис мусобақасини ёпиқ деб эълон қилади. Лекин спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, кўп сонли теннис мухлислари бу ёркин байрам билан хайрлашмайди. Улар «Тошкентда яна учрашамиз!» дея хитоб қилишади.

Мусобақани тантанали ёпиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими иштирок этишди.

(ЎзА мухбири).

ЁШЛАР ҚУВОНЧИ

Самарқандда ёшларга партия билетлари топшириш қизиқарли, мазмунли, эсда қоларли тарзда уюштириш йўлга қўйилган.

Самарқанд савдо коллежида бўлиб ўтган тадбир фикримизнинг исботидир. Унда ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг биринчи котиби Р. Юсупов ҳукуматимизнинг ёшлар камолоти йўлидаги ғамхўрлиги ҳақида гапириб берди.

Шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси Т. Розиқов ХДП сафига қабул қилинган ёшлардан бир гуруҳига партия билетларини топшириб, уларга эзгу-тилаклар билдирди.

— Бугунги ҳаяжонли кун сира эсимдан чиқмаса керак,— деди Ш. Ҳожиев.— Чунки табаррук инсоннинг қўлидан партия билетини олиш, кўплаб тенгқурларим ҳузурида эзгу тилаклар эшитиш ҳар доим бўлавермайди. Қолаверса, мен ХДП сиёсатини одилона йўл, деб биламан. Оиламизнинг бошқа аъзолари каби мен ҳам унинг сафида бўлишга қарор қилдим. Биз ёшлар республика раҳбарияти ғамхўрлигига жавобан Ватанга муносиб фарзандлар бўлишга интиламиз.

А. ҲАКИМОВ,
Самарқанд шаҳар партия кенгаши бўлим мудири.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Бухоро вилоятида ҳудудий партия ташкилотларининг сони 134 тага етди. Шунинг 61,9 фоизи Бухоро тумани партия ташкилотига тегишлидир. Хўш, 83 та ҳудудий партия ташкилоти мавжуд бўлган туманда сиёсий ташкилот нуфузи қандай? Ҳудудий партия ташкилотлари нималарга қодир, улар бозор иқтисодиёти даврида ўз аъзоларини ҳимоялай оладиларми? Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг бюро йиғилишларидан бирида мазкур туман кенгашининг бу борадаги ибратли иши алоҳида қайд қилинган эди.

Бухоро тумани вилоятнинг имкониятлари кенг, истиқболли, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган туманларидан биридир. Туманда аҳолининг ўсиб бораётгани ҳам имкониятлар излаш, қўшма корхоналар қуриш, иқтисодий ислоҳотларни бекаму-кўст амалга оширишни тақозо этади. Бунда асосий масъулият Ўзбекистон ХДП қуйи ташкилотлари зиммасида турганлигини ҳам унутмаслик керак. Чунки, ҳар қандай сиёсий ташкилот ўзининг қуйи бўғини мустаҳкамлиги, аъзолари ташаббускорлиги билан кучли. Ўз атрофига 1509 аъзони бирлаштирган ХДП туман кенгаши ўз мақсадларини 117 та бошланғич ташкилот орқали рўёбга чиқаряпти.

Ҳудудий партия ташкилотлари асосан жамоа хўжаликларида ташкил этиляпти. Ҳар бир жамоа хўжалигида котиблар кенгаши ва сайланган кенгаш раиси фаолият кўрсатяпти. Айни пайтда туманда 11 та котиблар кенгаши иш кўрмоқда. Туман кенгаши асосий фаолиятни ана шу котиблар кенгаши ва унинг раиси орқали амалга оширади. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни котиблар кенгашлари раислари туман кенгашига тўпланадилар. Улар бу ерда республикамизда рўй бераётган воқеалар, юқори партия ташкилотидан келган ҳужжатлар, бошқарув идоралари ишидан хабардор бўладилар.

Партияга қабул, ХДП аъзолари билан ишлаш, партиявий топшириқ, қарор ва ижрога янгича ёндашиладиган бўлинди. Илгаригидан фарқи ҳам шундаки, сон кетидан қувилмайди, буйруқбозлик иш услубидан ҳоли бўлинди. Буларнинг барчаси жойлардаги бошланғич партия ташкилотларини туман партия кенгаши аппарати (унда атиги уч киши ишлаяпти) билан яқин ҳамкорликка олиб келяпти.

Котиблар кенгашлари жорий масалалар бўйича камида ойда бир марта жойларда йиғилишлар ўтказиб, унда ички партиявий масалалар, ҳаётий муаммоларни муҳокама қилишаётир.

Ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини ўрганар экан-миз, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадларга эришаётганликларини кўрдик. Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари, халқ моддий фаровонлиги, уларни ижтимоий ҳимоялашни жамоа хўжаликлари бошқарувлари билан бирга, ҳамкорликда олиб боришяпти. «Ўзбекистон», «Чорбакир» жамоа хўжаликларида барча қишлоқлар газлаштирилди. Биргина ўтган йил «Янги турмуш» жамоа хўжалигида 3 та қишлоқ: Ҳожи Қандов номли, «Кечқуноқ», «Туркон маҳалла» қишлоқлари ёппасига газлаштириб бўлинди. «Чорбакир» жамоа хўжалигида 17 километрга ичимлик суви қувурлари тортилди. Айни пайтда 22 километр масофага сув йўли тортиш иши лойиҳа асосида бажариляпти. ХДП аъзоси Ҳамдам Муҳаммадиев ташаббуси билан «Ўзбакон» қишлоғида чойхона, дўкон қурилди. 2 километр масофа водопроводлаштирилди. «Роботипоён» аҳоли қўрғонида бошланғич партия ташкилоти котиби, бригадир Маҳмуд Нормуродов, ХДП аъзоси Ражаб Ҳайитовлар ташаббуси билан йўлларга асфальт ётқизилди, 3,5 километр узунликда сув қувурлари тортилди.

Бултур декабрь ойида туман кенгашида бўлиб ўтган умумий партия йиғилишида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари кўриб чиқилди. Шундан сўнг 1994 йил охиригача аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан тўла таъминлаш мумкин, деган тўхтамга келинди. Бу тадбирни вилоят ҳокимлиги ҳам маъқуллади. Ҳозир қўшма корхоналар қуриб, иш жойларини ташкил этиш, илғор технологияни ишлаб чиқаришда қўллаш борасида партия ташкилотлари анча елиб-югуришаётгани ҳам ибратлидир.

Ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятининг яна бир муҳим йўналишини партия-ҳукумат қарорларини омма онгига етказиш, унинг ижросини таъминлаш ташкил этади. Туман партия кенгаши, ҳудудий партия ташкилотлари барча жамоа хўжаликларида ташкил қилган «Мулоқот» ва «Мунозара» клублари ҳар ойнинг учинчи чоршанба кунлари мунтазам равишда машғулот ўтказиб туради. Унда тажрибали тарғиботчилар, партия ташкилотлари котиблари, хўжалик раҳбарлари маъруза қиладилар. Биргина маъруза қилиб қолмай, балки ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳақида фикрлашиб, маслаҳатлашиб олинади.

Турли байрамларни ўтказишда ҳам ҳудудий партия ташкилотларининг ташкилотчилик ўрни яққол сезилиб туради. Улар ташкилий ишлардан тортиб, беморлар, кам таъминланган оилалар, ногиронларни моддий рағбатлантиришгача барча тадбирларга бошқош бўладилар, одамларнинг кўнглини кўтарадилар.

Партия Дастури ва Низоми қоидаларига амал қилиш, сафларни ўстириш, йиғилишларни мунтазам ўтказиб туриш, бадаллар тўланишини таъминлаш-ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардандир. 206 нафар ХДП аъзоси бўлган «Маданият» жамоа хўжалиги ҳудудий партия ташкилоти туманда таянч нуқта сифатида қайд қилинади.

Туман кенгаши фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳудудий партия ташкилотлари нимага қодирлигини юқоридаги амалий ишлар билан исботлашга интилдик. Шундай экан, туман партия кенгашлари ҳудудий партия ташкилотлари миқдорини оширсалар ёмон бўлмасди. Айниқса, Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловларга тайёргарлик арафасида бу муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Маънавият—мустақиллик асоси

ИСТИҚБОЛ—ИЛМДА

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим воқеа рўй берди: республикамизда маданият ва маърифат маркази ташкил этилди. Президентимиз имзолаган Фармон қалбида эзгу ниятни жойлаган ҳар бир ҳамюртимизни қувонтирди. Негаки, иқтисодий қийинчиликлар рўй бериб турган ҳозирги даврда маънавиятга бунчалик эътибор ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам юксак баҳоланмоқда.

Мен шу ўринда буюк файласуф Кайқовуснинг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман: «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузғилки, мол била бой бўлғондан, ақл била бой бўлғон яхшироқдур, нединким ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас» Ҳа, бу пурҳикмат сўзлар орадан неча-неча асрлар ўтган бўлсада, ўз оҳорини йўқотган эмас.

Маънавий қашшоқлик моддий камбағалликдан ҳам оғирроқдир. У инсонни боши берк кўчага киритиб чорасиз қилиб қўяди. Лекин, минг афсуски, бугунги ҳаётимизда маънавий оламини бойитиш учун интилмаётган, ҳаётни фақат моддий неъматлардан иборат деб биладиган одамлар учраб туради. Акс ҳолда дорилфунун биносидан чиқиб келаётган суқсурдай гўзал йигитларнинг оғзидан чиқаётган шалоқ гапларни эшитиб кўзни қаерга яшириш, қулоқни қандай беркитишни ўйлаб қолмасмидик. Наҳотки шундай маданият, маърифат ўчоғида таълим олаётган ёшлар шунчаликка боришса. Ёки бўлмаса мактабга энди қатнаб ҳали ҳисоб-китобдан етарлича савод чиқармаган ёш қизалоқ ёки болакайни уйма-уй юриб, ота-онаси тижоратчилик йўли билан олиб келган нарсаларини сотиб юришини қандай тушуниш керак?! Кўча-куйда турли нарсаларни (аёллар ич кийимидан тортиб, пардоз-андоз буюмларигача) сотиб, чўнтагини қаппайтириб, бобоси, бувиси тенгиларини ҳам писанд қилмай, юрувчи ўспиранларчи?! Ҳаммадан ҳам ачинарлиси илм-фан чўққиларини эгаллаган, бир қанча унвонларни олган обрў-эътиборли олимларимиз ҳам тирикчиликнинг айби йўқ, деб қандай йўл билан бўлса-да мол-дунё орттириш йўлига кирганларига нима дейсиз?

Айни пайтда маънавият ва маърифат масканларимиз қай аҳволда эканлигига эътибор берайлик. Шахсан мен охирги марта қачон кинога тушганим эсимда йўқ. Чунки киногоҳларимизда қўйиладиган фильмларнинг афишаларини кўриб ҳафсалам пир бўлади: ё ҳиндча «Ўлдим-кўйдим», ё амриқоча «отиш—йўқ қилиш». Бундай фильмлардан қандай маънавий озиқ олиш мумкин? Ҳозир талабалар учун ойда бир марта театрга бепул билет берилмоқда. Аммо улар-га эҳсон қилинаётган томошалар асосан ҳеч ким кирмайдиган, бўш савиядаги спектаклардир.

Илгари таниқли ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар тез-тез бўлиб турарди. Энди бундай тадбирлар сони анча камайди. Сабаби, ҳозирги шароитда шу хил учрашувлар ўтказиш учун маълум даражада пул ўтказиш керак. Беихтиёр ўйлаб қоламан. Наҳотки, маънавиятни, маърифатни пулга чақиб бўлса?

Назаримда, ёш авлод маънавиятини бойитиш учун ота-онадан тортиб мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчилари, олимлар, отахон ва онахонлар чин маънодаги фидоий инсонлар бўлишлари керак. Агар кимё ёки математика фани ўқитувчиси ўзининг соҳаси билан бир қаторда адабиётни, жаҳон маданиятини, шеъриятни яхши билса, улардан тўғри фойдалана олса ва ўқувчига буни қадамба-қадам сингдириб борса қандай яхши! Қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар ҳар бир инсон ўзини тутиш, сўзлашиш, юриш-туриш билан атрофдаги ёшларга намуна бўлиши керак. Айниқса ота-оналар ўз фарзандларига келажак фақат тижоратчиликда эмас, балки илмли-билимли одамлар қўлида эканлигини уқтиришлари лозим. Чиройли, ялтироқ либос ва безаклар билан зурёднинг ички дунёсини гўзал, келажагини бахтли қилиши мумкин эмас. Бугунги ёшларимиз ўз она тилларини, қолаверса дунё тилларини мукаммал билишсин, ўз халқи ўтмиши ва маданий мероси билан фахрлана олишсин. Шундагина у чин маънодаги ҳар томонлама мукаммал инсон бўлиб етишади.

Зуҳра ҚАЮМОВА,
Тошкент фармацевтика институтининг ўқитувчиси.

Партия ташаббуси билан

ШАҲАРНИНГ ЯШИЛ ЛИБОСИ

У ХОНОБОДҒА УЗУККА ГАВҲАР КЎЗ ҚУЙГАНДЕК ЯРАШИБ ТУРИБДИ

Хонободга бориб қолсангиз, Андижон вилоятидаги бу кенжа шаҳарнинг файзу таровати бир зумда сеҳрлаб олади. Яшил либос кийган шаҳарнинг яшнаб турган боғлари, сўлим хиёбонларига боқиб тўймайсиз. Ораста кўчалар бўйлаб юрар экансиз дилингизни ифтихор туйғулари эгаллайди, уни яшнатаётганларга таҳсин айтасиз.

— Шаҳримизнинг файзу тароватига кексаю ёш масъул,— дейди ЎзХДП Хонобод шаҳар кенгашининг биринчи котиби Йигитали Ҳолиқов.— Шунинг учун ҳам Хонобод кейинги йилларда кескин ўзгариб кетди. У саноати гуркираб ривожланаётган шаҳардан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилган ҳудудга айланди. Ҳозирги кунда бу ерда бир бор бўлган киши бир умр Хонободдаги гўзал табиатнинг шайдоси бўлиб қолади.

Шаҳримиз аҳолиси қаторида партия кенгашимизнинг ўзига 540 ХДП аъзосини бирлаштирган йигирма беш та бошланғич ташкилот ҳам бу ишлардан четда қолмаяпти. Уни амалга оширишда партиямиз аъзоларининг фаоллиги, ташаббускорлиги кўзга ташланиб турибди. Ахир, изланган имконият топади, деб бекорга айтилмаганда. Умуман, барча долзарб масалалар қатори шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришни ҳам муҳим вазифамизга айлантирганмиз. Бу топшириқ ижроия бюромизнинг қарори билан янада мустаҳкамланган.

Эзгу мақсадларни амалга оширишда шаҳар ҳокимлиги билан жипслашиб, ҳамкорликда ишлаш қўл келмоқда. Бунинг эвазига март, апрель ойларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича ўтказган тадбирларимиз катта самара берди. Шанбаликларимизда ҳамма ништирок этди. Янги ўтқазган дов-дарахтларимиз, манзарали кўчатлар шаҳримизнинг яшил либосини безай бошлади. Ўн минг дона терак қаламчаси ниш урди. «Андижонводоканал» ташкилоти, «Андижонкабель» бирлашмаси, «Камалак» заводи, чарм-атторлик корхонаси меҳнат жамоалари, партия фаолларининг кўмаги билан бу ишларни айни пайтда ҳам бўшаштирмай олиб боряпмиз. Чунки шаҳарнинг гўзал қиёфасини таъминлаш вақт танламайди. Йил ўн икки ой бу ишга бош қўшиш керак.

Ҳа, Хонобод шаҳри жонажон Ватанимиздаги энг гўзал масканлардан бирига айланиши шубҳасиз.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жарқўрғон туманидаги Т. Шобуров номли жамоа хўжалиги деҳқонлари ривожланишнинг янги йўлидан бормоқдалар. Эндиликда хўжаликдаги ишчи кучининг асосий қисми оилавий фермер звенолардир. Ўзларини хўжайин, деб ҳис этган деҳқонлар астойдил меҳнат қилаётирлар. Кўп тармоқли хўжаликдаги 120 оила эртаки карам йиғиштиришни якунламоқда.

Фермер Пангин Алимназаров бошлиқ оила аъзолари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу оила ихтиёрида 12 гектарлик мевали боғ, 4 гектар узумзор бор. Ернинг бошқа қисмига сабзавот экилган. Шартномага кўра, Пангин ака хўжаликка 7 тонна карам топшириши керак. Натижада икки томон ҳам ютади. Оила рўзғорига барака киради. Истеъмолчилар ҳам миннатдор. Чунки уларнинг дастурхонида ҳамиша арзон нархда янги маҳсулот пайдо бўлмоқда.

СУРАТДА: фермер Пангин Алимназаров.

И. ҲУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

АШУР ПАРТИЯ—ОҚСОҚОЛ БЎЛДИ

Шаҳрихон тумани академик Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалиги раиси муовини, ХДП бошланғич ташкилотининг котиби Ашурали Жўраев Ўрташаҳрихон қишлоқ кенгаши фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) этиб сайланди. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари ва фаолларининг эл орасидаги нуфузидан дарак берувчи бир мисол.

Ашурали аканинг исмига, «партия» сўзи қўшиб айтилиши бежиз эмас. Унинг меҳнат фаолияти партия ташкилоти билан боғлиқ, қарийб 30 йилдан буён партия фаоли. Турли шароитда, қатор жамоа хўжаликларида партия қўмитаси котиби бўлиб ишлади. Эътиборли томони — ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиқодига содиқ қолди. Вазият, шароитга кўра ўзгармади. Камтарликни фарз этди. Бурчини унутмади. Холис, ҳалол фикрга йўлдош юрди. Ўрнини ҳамиша халқ ичида, деб билди. Мустақил, салмоқли мулоҳазаси билан эл назарига тушди. Бу ажойиб инсон билан ҳамсуҳбат бўлишга чоғланганимизнинг боиси ҳам ана шундан.

— Ашурали ака, сизни қишлоқ оқсоқоли этиб сайланганингиз билан табриклаймиз. Бу ишончга сазовор бўлган дамда нималарни ўйладингиз?

— Билдирилган ишончни меҳнат билан оқлаш, унга муносиб бўлиш масъулияти дилимдан ўтди. Янги ён дафтаримнинг биринчи саҳифасидаги дастлабки ёзувлар ҳам шу ҳақда битилди.

— Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида янги одимлар ташланяпти. Бошқарув тизимида ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига биноан қишлоқ фуқаролар йиғинининг масъулияти ва имкониятлари ортди. Мустақил, ҳуқуқий ҳаракатлар қилишнинг зарурлигини давр тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан қараганда қишлоқ фуқаролар йиғинининг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?

— Ушбу қонунда таъкидланганидек, ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

— Ашурали ака, энди мансабингиз бошқа, партиявий фаолиятни қай тарзда давом эттирасиз?

— Янги вазифа, — юрт оқсоқоли бўлиш партиявий ишдан қўл силташ эмас. Балки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида партиядош фаоллар билан ҳамжиҳат ишлаш ниятидаман. Бу мақсад учун бор тажриба, билимимни аямайман.

А. СОЛИЕВ,
Андижон вилояти.

• ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

ДЎСТЛАР ТАШРИФИ

Хабарингиз бор, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Республикасига қилган сафаридан сўнг икки давлат ўртасида иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ алоқалари ривожланиб бормоқда. Ўш шундоққина Андижоннинг ёнида. Новқат эса Марҳаматга туташган. Куни кеча Ўш вилоятининг Новқат тумани вакиллари Марҳаматга ташриф буюрдилар. Улар марҳаматликларнинг қўлга киритаётган ютуқларию, муаммолари билан танишдилар.

— Ўртамизда улуғ тоғ бор, чиқиб назар ташласангиз Тошкент кўринади,—дейди Қирғизистон Республикаси халқ депутати, Новқат туман ҳокими Алишер Сотволдиев.— Тилимиз, динимиз, бозорларимиз ва мозорларимиз бир. Шундай экан, қирғиз ва ўзбекнинг биродарлигига ҳеч ким раҳна сололмайди. Биз марҳаматликлар билан азал-азалдан оғир ва енгил кунларимизга яраб келганмиз. Мамлакатларимизда иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли рўёбга чиқишида ўйлайманки, ўзаро алоқаларимиз муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни тез суръатларда амалга оширишда ўзаро борди-келдининг фойдаси катта.

Шу куни Марҳамат туманининг марказида «Новқат» номи билан аталадиган савдо дўкони очилди. Дўконда марҳаматликлар етиштирган юздан ортиқ турдаги маҳсулотларни сотиш бошланди.

Алишер ЖУМАНОВ.

БУГУН мамлакат матлуботчилари қурултойи очилади. Ана шу анжуман арафасида «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Бурҳониддин АБДУҒАНИЕВ билан суҳбатлашдик.

ИСЛОҲОТ ВА ҚИШЛОҚ САВДОСИ

— Уч йилдирки, республикамизда иқтисодий ислоҳот қизғин давом этмоқда,— деди Б. Абдуғаниев.— У барча соҳалар каби бизнинг тармоққа ҳам таллуқли. Савдо тизимида жуда кўп муаммолар тўпланиб қолган. Уларнинг ўз вақтида ҳал этилиши ислоҳот тақдирига ҳам бевосита таъсир этади. Тасаввур қилинг: мамлакат аҳолисининг 70 фоизига, яъни 15,5 миллион кишига матлуботчилар хизмат қилади. 210 мингдан зиёд ходим халқни озиқ-овқат, истеъмол моллари билан таъминлашдек масъулиятли вазифани баҳолиқудрат амалга оширмоқда. Халқ хўжалиги тизимида сўнгги йилларда содир бўлган ўзгаришлар силсиласи бизнинг соҳада ҳам акс садо берди.

Қурултойда ютуқ ва камчиликларимиз, муаммоларимизни рўй-рост ўртага ташлаймиз. Фаолиятимизни иқтисодий ислоҳот талаблари нуқтаи назаридан таҳлил этиб, хато ва нуқсонларимизни бартараф қилиш чораларини белгилаб, истиқбол режасини тасдиқлаймиз.

Анжуманга қуруқ қўл билан бораётганимиз йўқ. Республика Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва ундан кейинги маъруза ҳамда нутқлари асосида фаолиятимиз дастурини ишлаб чиқдик. У қурултой қатнашчиларига олдиндан тарқатилган.

— Дастурда мулкчилик шаклларини ўзгартириш, хусусийлаштиришни жадаллаштириш ҳам кўзда тутилганми?

— Албатта. Чунки ислоҳотлар тақдири бевосита мулкчилик шаклларининг ўзгартирилишига боғлиқдир. Тизимда бу масалага катта эътибор билан қаралмоқда. Масалан, шу йилнинг 1 майига қадар қарийб 29 мингта савдо, умумий овқатлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари хусусийлаштирилди. 8284 та объект хусусий ва жамоа мулки тарзида сотилди.

Шу билан бирга, кооператив мулкни ислоҳ этиш жараёнида камчиликларга ҳам йўл қўйилганини тан олмоқ керак. Қурултойда бундай нуқсонларни бартараф этиш хусусида ҳам сўз юритилади. Бизнинг фикримизча, ислоҳотнинг дастлабки палласида тизимдаги ёпиқ ҳиссадорлик жамиятларини очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш керак. Ана шунда мазкур жамоа аъзоларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинади. Ижтимоий адолат тамойилларига путур етмайди. Кейинчалик матлубот жамиятлари, корхоналар ва ташкилотлар негизида ҳам очиқ ҳиссадорлик жамиятлари тузилади.

Ислоҳот дастурида акциялар, вексель ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотиш ҳам кўзда тутилган.

— Мулк шакли ўзгаргани билан кўп жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ҳамон кўнгилдагидек эмас...

— Фикрингизга қўшиламан. Ҳозирча акциялар чиқарилмагани ва муомалага киритилмагани туфайли ҳиссадорлик жамиятларининг номи ўзгарди, холос. Улар ҳақиқий маънодаги жамиятга айланганича йўқ. Қолаверса, ҳиссадорларнинг эски иш услубларидан қутулиши қийин кечмоқда. Улар хушмуомала бўлиш, харидорга иззат-ҳурмат кўрсатиш пировард натижада катта даромад келтиришини ҳали тушуниб етмаяпти.

Товарлар камёблиги ҳам савдо ходимлари ўртасида соғлом рақобатнинг вужудга келишига ғов бўлаётир. Хизмат маданиятини оширишда касса аппаратидан фойдаланиш катта самара беради. Келгуси йилдан бошлаб, барча дўконларга замонавий ҳисоб-китоб жиҳозлари ўрнатилади.

— Савдо соҳасида бошқарув тизимини ислоҳ этиш қандай бормоқда?

— Мавжуд тизимнинг бошқарув механизми кўп ҳолларда соҳа тараққиётига тўсиқ бўлгани сир эмас. Ҳозир ҳам «Ўзбекбирлашув»дан то вилоят, туман ташкилотларигача бошқарув тизими такомилга етмаган. Оқибатда фаолдорлик жамиятларига айлантириш, вексель ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотиш ҳам кўзда тутилган.

— Мулк шакли ўзгаргани билан кўп жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ҳамон кўнгилдагидек эмас...

— Фикрингизга қўшиламан. Ҳозирча акциялар чиқарилмагани ва муомалага киритилмагани туфайли ҳиссадорлик жамиятларининг номи ўзгарди, холос. Улар ҳақиқий маънодаги жамиятга айланганича йўқ. Қолаверса, ҳиссадорларнинг эски иш услубларидан қутулиши қийин кечмоқда. Улар хушмуомала бўлиш, харидорга иззат-ҳурмат кўрсатиш пировард натижада катта даромад келтиришини ҳали тушуниб етмаяпти.

Товарлар камёблиги ҳам савдо ходимлари ўртасида соғлом рақобатнинг вужудга келишига ғов бўлаётир. Хизмат маданиятини оширишда касса аппаратидан фойдаланиш катта самара беради. Келгуси йилдан бошлаб, барча дўконларга замонавий ҳисоб-китоб жиҳозлари ўрнатилади.

— Савдо соҳасида бошқарув тизимини ислоҳ этиш қандай бормоқда?

— Мавжуд тизимнинг бошқарув механизми кўп ҳолларда соҳа тараққиётига тўсиқ бўлгани сир эмас. Ҳозир ҳам «Ўзбекбирлашув»дан то вилоят, туман ташкилотларигача бошқарув тизими такомилга етмаган. Оқибатда фаолиятимизда маъмурий-буйруқбозлик усули ҳамон устунлик қилмоқда.

Сўнгги пайтда тизимда хўжалик қисобида ишлайдиган уюшмалар, бирлашмалар, ҳиссадорлик жамиятлари тузилди, улгуржи савдо базаларида хўжалик ҳисоби тамойилида ишлайдиган тижорат марказлари ташкил этилди. Аммо бу борадаги ишларни янада кучайтириш зарур.

Бизнинг асосий мақсадимиз қишлоқ меҳнаткашларини истеъмол моллари билан таъминлашдир. Бироқ, аҳолига меъёрланган маҳсулотлар етказиб бериш борасидаги ҳукумат қарорини тўла бажара олмаяпмиз. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари етишмайди. Бундай вазиятдан чиқиш йўли Ҳамдўстлик мамлакатларида савдо уйлари ва дўконлар очишдан иборатдир. Ҳозир ҳамдўстлик мамлакатларида 100 дан зиёд савдо уйлари ва дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга шу кунгача 13,1 миллиард сўмлик маҳсулот юборилиб, эвазига 11,7 миллиард сўмлик маҳсулот олиб келинди.

— Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳот ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконини бермоқда. Айниқса, фермерларнинг иши баракали бўлмоқда. Президентимиз шу йил 18 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда фермер маҳсулот қабул қилувчиларни эмас, балки тайёрлов ходимлари фермерни изламаси керак, деган эди. Лекин кўп ҳолларда фермер хўжаликлари маҳсулотини сотишда қийналаётир...

— Матлуботчилар хусусий тадбиркорларни, фермер хўжаликларини зарур маҳсулот ҳамда ишлаб чиқариш воситалари,— маблағ, минерал ўғит ва кўчат билан таъминлаш чорасини кўрмоқда. Улар етиштирган ҳосилни нест-нобуд қилмай қабул этиш, ҳақини ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилинаётир. Чунончи, тизимнинг барча савдо — ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлари бундай хўжаликлар билан шартнома тузган.

Ташкилотларимиз халқ учун зарур маҳсулотларни илгари саноат корхоналаридан улгуржи савдо ярмаркалари орқали сотиб олар эди. Энди бундай ярмарка ўтказилмайди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг асосий қисми учун давлат буюртмаси ҳам бекор қилинди. Демак, ҳеч ким маҳсулотини матлуботчиларга қўшқўллаб келтириб бермайди. Шу сабабли, маҳсулот етиштириб берувчи асосий шериклари-миз фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари бўлади. Агарда улар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамласак, қишлоқда саноат корхоналари тармоғини ривожлантирмасак, бозор иқтисодиёти рақобатига бардош беришимиз қийин.

— Амалга оширилаётган ташқи иқтисодий алоқалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ислоҳот дастуримизда бу масалага ҳам катта эътибор берилган. Чунки, аҳолининг истеъмол моллариг бўлган эҳтиёжини қондириш нинг муҳим воситаларидан яна бири ташқи иқтисодий фаолиятдир. Ўтган йили экспорт оборoти 16,3 миллион АҚШ долларини ташкил этти, яъни ташқарига 4,3 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарилиб, 15,7 миллиард сўмлик маҳсулот келтирилди. Хориждан асосан саноат учун ноёб ҳом ашё илғор технология жиҳозлари, дастгоҳлар сотиб олинди.

Четга маҳсулот чиқариш имкониятимиз катта. Ҳозирча хорижга фақат томат пастаси, турли консерва, жун, тери каби маҳсулотлар жўнатилмоқда. Ташқарига ҳом-ашё эмас, кўпроқ тайёр маҳсулот сотиш учун ривожланган мамлакатлар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этдик. Тошкент шаҳрида «Супермаркет» қўшма корхонаси, барча вилоятларда унинг шохобчалари барпо қилинмоқда. Ҳозирги кунда «Ўзкоопташқисавдо» Германия, Франция, Хитой, Австрия, АҚШ, Англия каби мамлакатлардаги турли фирма ва компаниялар билан тўғридан-тўғри савдо-иқтисодий алоқалари ўрнатди.

Экспорт қўламини яқин вақтда икки баробар оширамиз. Ана шу асосда валюта топиб, ишлаб чиқаришдаги замонавий технология улушини оширамиз. Бу мақсадда «Днёр» савдо уйи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Наманган, Фарғона ва Термизда валютага савдо қиладиган дўконлар очилди.

Қисқаси, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги ҳукумат сиёсатини матлубот кооперацияси тизимига тўлароқ татбиқ этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Абдуқодир НИЁЗИЙ,
ЎзА шарҳловчиси.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ“ — МАҚОЛАМГА

СИБИРГА КЕТМАГАН ЎЗБЕК

Ушанда кеч кузнинг тунд кунларидан бири эди. Устоз газета редакцияларида ишлаётган қадрдонларини бир кўрмоқни ихтиёр этдилар. Уларга яқинда нашр этилган китобларига дастхат ёзиб тақдим қилди. Қаватма-қават, хонама-хона ҳамроҳлик қилиб юрар эканман, инсон тақдирида из қолдиргувчи йиллар залворини, Ҳаёт аталмиш олий неъматнинг ишва-ю инжиқликларини ва ниҳоят, тақдирнинг ажру мукофотларини яна бир карра ҳис қилгандек бўлдим. Олимни кўрганда ёришиб кетган чеҳралар, таниганларнинг меҳр ва ҳавас ила боқишлари, танимаганларнинг эса катта кўзойнакли, ушоққина чолга тавозеъ билан жой ўўшатишлари Бўриевой Аҳмедов сиймосини борлиқда акс эттириб тургандек бўларди. Ушанда домлани махсус машинада кузатиб қўйиш имкони бўлмаганди. Троллейбуснинг олд ўриндиғига бемалол ўрнашиб олган етук тарихчи олим, ўтмишимизнинг зукко билимдони йигитлардек қўлларини чамбарак қилиб ҳайолашганча халқ денгизи ичига шўнғиб кетар экан, унда заррача оғриниш ёки инжиқлик зоҳир бўлгани йўқ. Аксинча, атрофида шунча одам борлигидан бағри тўлгандек улуғвор туюлган, мен машина ойналари ортидан катта матонат ва фидойилик тимсолини кўриб тургандек бўлгандим. Бу манзара узоқ вақт кўз олдимдан кетмади ва беихтиёр «пиёда генерал» деган жумлани такрорлаб юрдим.

Ана шундай ҳокисор, улуғ инсон бу йил етмиш ёшга тўлади. Рости, устозни мухлислар билан дилдан мулоқотга кўндиришга кўп ҳаракат қилганман. Ҳар сафар азбаройи камтарлик ёки дилтанглик туфайли бунинг иложи бўлмаган. Кейинги пайтда муносабат яхши томонга ўзгарди. Ниҳоят яхшиларнинг шарофати билан олимнинг меҳнатлари ўз қадрини топа бошлади. Зеро, қутлуғ сана арафасида, осмон булутлардан фориғ бўлган фаслда дилдан гурунглашиш фурсати ҳам етганга ўхшайди.

— Бўрибой ака, олим меҳнатини шамга қиёслашади: ёниб, ўзгалар даврасини равшан қилади. Бугун Сизни катта-кичик яхши танийди. Тақдирингиздан мамнунмисиз?

— Тўғриси, олимнинг меҳнатини нина билан қудуқ қазишга ўхшатса бўлади. Олимнинг ҳам илм ва зиё тараггани учун шамга қиёс қилиш мумкин. Чунки, ундан худди шам атрофида айланган парвонага ўхшаб, кўплар баҳра олади. Менинг ҳам бошқаларга озми-кўпми ёруғим тушгандир. Шогирдларим бир талай. Улар ҳозир Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда меҳнат қилишяпти. Қувончлиси шулки, Қозоғистон ва Қирғизистондаги шогирдларим бирлашиб, ўз жумҳуриятларида шарқшунослик марказлари тузиб олишди. Шундай бўлгач, тақдиримдан, албатта, мамнунман. Ҳар ҳолда ҳаётда самарасиз, сояси ўзидан бошқага тушмайдиган дарахт бўлиб ўтмабман.

— Ҳозиргидан ҳам яхшироқ натижаларга эришишингиз мумкин эдику! Бунинг сабаблари нима?

— Мен илм-фан майдонига анча кечикиб, 36 ёшимда кирганман. Бунинг сабаби бор, албатта. Тўрт йил урушда бўлдим, фронтдан қайтганимдан кейин ўрта мактабга кириб ўқишни қолган еридан бошлашга, тирикчилик, деб ўч-тўрт йил ишлашга тўғри келди, чунки оиламизда каттаси мен эдим. 1953 йили Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг (ҳозирги ТошДУ) шарқ факультетини имтиёзли диплом билан тугалладим. Лекин мени Тошкентда аспирантурага ҳам, ишга ҳам олишмади. Нега дейсизми? Талабалик йиллари, хусусан, 1950—1952 йиллари факультет партия ташкилотининг котиби бўлиб ишлаб эдим. Буни биладиган одамлар бор. Ўша машъум 50-йилларнинг бошида етук ўзбек зиёлиларини турли жазога тортиб қувғин остига олиш, қамаш, сургун қилиш кучайиб кетди. Мен бунга чидолмадим, очиқдан-очиқ қарши чиқдим. Мафкура идораларидан бирининг раҳбари дорилфунунимизни текшираётган махсус комиссияга бош экан, мени идорасига чақиртириб қолди. Хонасида ўзидан бошқа яна уч-тўрт одам бор экан. Шулардан бирини менга ВКП(б) Марказий Қўмитасидан келган масъул ходим, деб таништиришди. Қисқаси, суҳбат вақтида, «Бу — ўзбек зиёлиларини йўқ қилиб ташлашга қаратилган ҳаракат» деб очиқ айтдим. Шу-шу бўлди, кўчада қолдим. Охири қишлоғимга қайтиб кетишга мажбур бўлдим. 1957 йилнинг ёзигача ўша ерда муаллимлик қилдим. 1956 йилнинг кузида бўлса керак, Ўзбекистон зиёлиларининг Биринчи қурултойи бўлиб қолди. Ўша йиллари республика партия Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. А. Муҳиддинов ўз докладида 50-йил бошларида қувғин ва қатағон этилган зиёлиларимизни оқлаб чиқдилар. Шундан кейин менга ҳам аспирантурага йўл очилди. 1969—1974 йиллари, айни докторлик диссертацияси устида ишлаб турган пайтимда, мени яна эътибордан четлатиб қўйишди. Кўп қийналдим. Айниқса руҳан... Халқимизда «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман», деган гап бор. Илож қанча, бошга тушганни кўз тортар экан! Чидадим, сабр қилдим.

Мана шунақа гаплар бўлмаганда илм-фанда бундан кўпроқ хизмат қилган, ҳеч бўлмаганда иккита китобни ортиқ ёзган бўлардим. Шогирдларим ҳам учта-тўрттага ортган бўларди.

— Шу ўринда илмий фаолиятингиз ва таржимаи ҳолингизнинг асосий нуқталарини эслаб ўтсангиз!

Таржимаи ҳолим ва илмий фаолиятимнинг баъзи тарафларини айтдим, шекилли. Буларга яна нималарни қўшиш мумкин? Колхозчи-деҳқон хонадонига мансубман. Ҳаётда кўп қийинчиликлар тортганман: уч марта очарчилик, тўрт йил уруш, фронтда орттириб келган дард-касаллик азоби, кейинги руҳий ҳужумлар... Илм-фан майдонига соқолмўйлабим анча ўсиб қолганда кирган бўлсам ҳам, озми-кўпми хизмат қилишга улгурдим, ҳаёт машаққатларидан ҳоли бўлиб кун кечирган тенгдошларимдан орқада қолмадим чоғи. Бунинг бир омили бор. Ҳаёт мени кўп яхши одамларга рўбарў қилди. Жаҳон шарқшунослик фанининг танилган марказларидан ҳисобланмиш Санкт-Петербург дорилфунунида ўқиш ва ўша мен учун муқаддас бўлган илм даргоҳида ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияларини ёқлаш шарафига мушарраф бўлдим. Тақдир мени академик В. В. Струве, И. А. Орбели, А. Н. Кононов, И. П. Петрушевский, А. К. Аренде, А. Н. Болдирев, В. И. Беляев каби жаҳон тан олган забардаст алломалар билан мулоқотда бўлиш, улардан сабоқ олишга муяссар этди. 1961 йили Тошкентга қайтиб келдим ва шундан бери Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида хизмат қилиб келаётибман.

— Эшитишимча, Сибирга кетиб қолишингизга ҳам озгина қолган экан...

— Шунга ўхшаш гап бўлган эди. Ҳали тангназар, бахил одамлар дастидан 1969—1974 йиллари бир қадар беэътибор бўлиб қолганимни айтган эдим. Ўша йиллари, 1970-1972 йиллари бўлса керак, куз пайтида, Қозоғистондан икки ўртоқ Тошкентга келиб қолишди. Шулардан бири билан 1948-1953 йиллари дорилфунунда бирга ўқиган эдик. У энди Қозоғистон Вазирлар Кенгашида фан бўлимига раҳбарлик қиларди. Иккинчиси республика партия Марказий Қўмитасида шундай бир бўлимга раҳбар экан. Улар республика партия Марказий Қўмитаси ва ҳукуматининг топшириғи билан келишган экан. Олмаота дорилфунуни қошида Шарқ факультети очиб, шарқшуноскадрлар тайёрлаш ниятида келишган экан. Суҳбат пайтида дўстим «Олмаотага кўчиб бормайсизми?» деб қолди. Мен Тошкентда турсам нафим кўпроқ тегишини айтдим. У ўзини тушунмаганга олди. Кейин қўлёзмалар ва ҳужжатлар, умуман илм учун зарур бўлган материал шу ердалигини айтганимда фикримга қўшилишди. Ўшанда биз кадр тайёрлаш билан боғлиқ баъзи масалаларни келишиб олдик. Хуллас калом, мен сўзимнинг уддасидан чиқдим. Қозоғистонга учта-тўртта малакали шарқшунос олим тайёрлаб бердим.

Ўша йиллари Сибирь ҳақида ҳам гап бўлди. 1975 йили ёзда ўғилчам Акбархонни олиб, Сибирдаги бир шаҳарга, ҳарбий хизматдан сўнг ўша ерда оила қуриб қолган кенжа укам Холмуҳаммадни кўриб келгани бордим. Кичик, бу шаҳар академия шаҳарчаси билан туташ экан. Бир куни ўша академия шаҳарчасини томоша қилгани бордик. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг идора ва институтлари ҳам шу ерда экан. Академик Окладниковни суриштириб ўша идорага кирдик. Алексей Павлович Ўзбекистоннинг қадимий тарихини ўрганиш ишига улкан ҳисса қўшган олим эди. Уни зиёрат қилиш керак эди-да. Одатда у ёз ойларида экспедицияда бўларди. Буни қарангки, бир-икки кун бўлибди, зарур иш билан Новосибирскка келган экан. Бир соатча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўлтирдик. Бир пайт гап Сибирдаги туркийзабон халқларга кўчганда мен унга шу кунларда ҳам бу ерда туркий атамалар, хусусан, топоним (жой номлари) ва гидроним (дарё номлари)лар учрашини айтдим. Дарҳақиқат, ўша Бердск шаҳри Берда деган дарё (Обь дарёсининг ирмоғи) соҳилида жойлашгани учун шундай аталаркан. Бу жойни бир замонлар Бердибек деган амир қурдирган экан. Ўша Бердскнинг ёнида Искитим деган шаҳарча ҳам бор экан. Шаҳарнинг асл номини билиш қийин эмас — «эски тим» («тим» тепаси ёпиқ бозор) дегани-да. Алексей Павловичнинг ўзи ҳам бу хусусда кўп нарсаларни айтиб берди ва пировардида «Сибирга кўчиб келмайсизми, ининг ҳам шу ерлик бўлиб қолибди. Сибирда туркийзабон халқлар маданиятининг қолдиқлари кўп. Шуларни ўзингиз тадқиқ қилиб, битта-яримта китоб ёзиб берарсингиз», деб қолди. Иккиландим. «Ишдаги сиқувлар исканжасида юргандан кўра шу ерга келиб ишласаммикин»! деган ҳаёлга бордим. Ва яна Новосибирскнинг академия шаҳарчаси гўзал, унда яшаш учун қулайликлар чакки эмас экан. Лекин ўйлаб кўриб фикримдан қайтдим. Ўзбеклигимга бордим. (Ўзбек худди қозиқлаб қўйган отга ўхшайди. Киндик қони тўкилган масканни муқаддас тутади). Алексей Павловичга «раҳмат, ўйлаб кўраман», деб қўя қолдим...

— Умуман ўтмиш ҳақида тўғри гапни айтиш. Бу нимага боғлиқ!

— Мумкин, албатта. Мумкингина эмас, балки зарур ҳам. Маълумки, ота-она фарзандини дастёрликка яраб қолганидан бошлаб, унга рост сўзлашни, ёлғон гапирмасликни ўргатади. Бир гуруҳ одам бир умрга шу йўриғни тутиб ўтади, бошига қилич келганда ҳам ростини айтади. Бу, фикримча, имоннинг мустаҳкамлигига, имон рукнларига (Аллоҳ-таолога, Муҳаммад алайҳиссаломга, ҳар бир мусулмон учун муқаддас ҳисобланган «Қуръон» ва «Ҳадис» китобларига, тақдир ҳамда охиратга ишонишга) садоқатга боғлиқ. Имони борда— инсоф, инсофлида адолат бўлади. Бу — масаланинг асосий тарафи. Сиз бу ерда қадриятлар ва кўҳна тарихни назарда тутаётган бўлсангиз — масаланинг бошқа томони. Маълумки, биз яқин-яқинларгача ўтмишимиз, кўп асрлик тарихимиз: бой маданиятимиз ҳақида бор гапни айтмай келдик. Тўғриси, айтолмадик. Чунки марксизм-ленинизм деб аталмиш ҳукмрон мафкура тилимизни муҳрлаб, оғзимизга қулф солиб. кўл-оёғимизни кишанлаб қўйганди. Шу мафкура чизиғидан билибми-билмай чиққанлар қувғин остига олиниб, беаёв қатағон қилинди. Қисқаси, шўролар замонида ҳамма қўрқиб-писиб қолганди.

— Тарихдан маълумки, кимлардир қурган бинони бошқалар бузган. Бузғунчи кучлар қандай шароитларда дунёга келади!

— Ҳа, шўролар ҳукумати даврида, айниқса, унинг дастлабки йилларида асрлар давомида халқ орасида илм-зиё тарқатиб келган масжиду мадрасалар бузиб ташланди, битта-яримта соғ қолгани бўлса омборхона ва ётоқхоналарга айлантирилди. Фалон подшоҳ ёки хон қурдирган, деб муҳташам қасрлар ва бошқа олий бинолар вайрон қилинди. Афсуслана диган жойи шулки, бу разил ишни ўзга юртлардан келиб қолган одамлар ёнидаги мунофиқлар қилишди. «Қизил амаки»га ёқайин, деб қилишди. Чунки «Ҳой, мусулмон, тўхта!» деб қўлимиздан тутадиган одам топилмади ўшанда. Топилмасди ҳам. Мадраса ёки масжидни бузаётганларида, ё бўлмаса салла ўраган биронта одамнинг қўлини орқасига қилиб, авахтага ҳайдаб кетаётганларида бошқалар ўзини кўрмаганга солиб, тескари бўлиб турдилар. Буни нима деб аташ мумкин? Қўрқувми ёки лоқайдликми? Лоқайдлик бўлса керак. Лоқайдлик, гапнинг сирасини айтадиган бўлсак, ёвузликнинг барчасидан ёмон. Бир донишманд (Бруно Ясенский бўлса керак) айтган экан: «Кечаги қўстдан чўчимайман, нари борса сотади; душманимдан қўрқмайман, нари борса ўлдиради, лекин лоқайдлардан қўрқаман, чунки лоқайдлик оқибатида дунёда кўп ноҳақликлар содир бўлади». Шўро тартиблари одамларни лоқайд қилиб қўйганди.

— Шу ўринда минг йил умр кўрган Рим империяси ва 74 ёшини нишонлай олмаган Совет империясининг қисмати ўхшашлиги қонуниймиди!

— Аввал Қадимги Рим давлати масаласига ойдинлик киритайлик. У ҳам йирик мустамлакачи давлат бўлган ва асосан милоддан аввалги III асрда шаклланган. Аввал Аппенин ярим оролини тўлиғича эгаллади, сўнг Ғарбий Европанинг Шарқий-жанубий қисмини, Кичик Осиё, Африка, Сурия ва Фаластинни бўйсундирди. Хаританга бир қаранг-а, Қадимги Рим давлати қандай улкан давлат, кўп мамлакатлар ва халқларни ўзига бўйсундирган давлат! Лекин тарихда бунақа давлатлар кўп ўтган. Мисол қидириб узоққа бормайлик. Собиқ Россияни олиб кўрайлик. У ҳам қадимги Рим давлатига ўхшаган мустамлакачи давлат бўлган. Уларнинг тараққиёт жараёни ва тақдири ҳам деярли бир хил, Русия ҳам дастлаб Москов атрофида шаклланди, яъни унинг йирик давлат бўлиб шакланиши тарқоқ Рус князликларининг Москов теварагига бирлашувидан бошланди. Бу Иван Калита (1325—1340) даврида эди. Иван III (1462—1505), Василий III (1505—1533), даврида Новгород, Тверь, Псков, Смоленск ва Рязань ерлари ягона Рус давлатига бирлаштирилди. ИванIV Грозний (1533—1584) вақтида эса Русия бошқа мамлакат ва халқларни асоратга сола бошлади. XVI асрнинг ўртасида Русия Қозон (1552) ва Астрахан хонликларини, аср охирига келиб Шайбонийхонинг Сибирь хонлигини босиб олди; XVII асрда Волгабўйи, Урал ҳамда Шарқий Сибирь эгалланди, Петр I (1672—1725) ва унинг ворислари Азов атрофидаги ерларни, Болтиқбўйи ерларининг бир қисмини, Қрим, Жанубий Буг ва Днестр дарёлари оралиғидаги юртларни босиб олдилар. Ва, ниҳоят, XIX асрда Русия Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёни ўзига бўйсундириб, улкан бир давлат, мустамлакачи империяга айланди.

Русия ҳам худди Римга ўхшаб аввал мустабид подшоҳлик тузуми, сўнг бир кишининг чекламаган ҳокимияти ўрнатилган диктатура даврини— шўролар ҳукумати даврини бошдан кечирди.

Қаранг-а, ҳар иккала империянинг ҳам қулаш сабаблари ўхшаш. Бу — биринчидан, асоратга тушиб қолган халқлар билан мустамлакачилар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг тобора ортиб бориши; иккинчидан, солиқ ва жарима ҳамда эксплуатация зулми, империя тайин этган ҳокимларнинг ўзбошимчалиги; учинчидан, халқларни асоратда тутиш қуроли бўлган армия ва бошқа жазо муассасаларининг кўпайтирилиши ва уларга берилган ортиқча ҳуқуқ ва имтиёзлар; тўртинчидан, зулм ва бебошликларга қарши халқ норозилиги ва қўзғолонларнинг кўпайиб кетиши ва ниҳоят, бешинчидан давлат ва ҳокимият тепасида турган турли даражадаги ҳукмронларнинг бундан буён мамлакат ва давлатни бошқаришга қодир бўлмай қолиши. Шўролар империясининг жуда тез фурсат ичида — 70 йил оламига олиб кириб қўйган эдик. Сен ичида қулаши масаласига келсак, фикримга у 1) асоратга тушиб қолган халқларга каттиқроқ зулм ўтказди, уни тарихи, маданияти ва ҳатто она тилидан жудо қилишгача борди;

2) бутун дунёга ҳоким бўлиш сиёсатини тутиб, шу йўлда бор-йўғини совурди, лекин бунга қурби етмади.

— Хуллас, тарихчи сиёсатчи ҳам бўлиши шартми!

— Тарихнинг ўзи аслида сиёсат билан боғлиқ фан. Ҳозир ҳам, ўтмишда ҳам шундай бўлган. У ҳукмрон синф ва ҳокимият тепасида турган тузумнинг мақсад ва манфаатларига хизмат қилиб келган. Фан шундай бўлгандан кейин тарихчи ҳам маълум даражада сиёсатдан бохабар бўлиши ва уни билиши шарт. Бусиз даврлар ўзгариши, жамиятда содир бўлиб турадиган ҳодисаларнинг моҳиятини англолмайди. Бу — масаланинг бир томони. Унинг иккинчи тарафи ҳам бор. Гап ўша ҳодиса ва воқеаларни тўғри англаш, уларга тўғри ёндашиш ва объектив баҳолашда. Тарихчи бирон ҳодиса ёки воқеа ҳусусида ҳукм чиқаришдан аввал уни ўзи англаб етиши лозим. Тушунмай, билмай туриб ҳукм чиқариш айб ҳисобланади.

— Илмда олимнинг идеали бўладими! Хусусан, сиз кимни «юлдуз» деб танлагандингиз!

— Бошқа касб-ҳунарда бўлганидек, илм-фанда ҳам идеал бўлади. Бирок ҳунар орттиришга қасд қилган ҳар бир одам кимнидир ўзига устоз деб танлайди, унинг кетидан эргашади. Бу тўғри, албатта, Лекин эргашувчиларнинг шундайлари ҳам бўладики, у ўзига бир эмас, балки бир неча мурршидни пир тутади. Масалан, Амир Темурни олиб кўрайлик. У бир эмас, уч пирнинг: кўпроқ Амир Кулол номи билан шуҳрат топган Саййид Шамсиддин Фахурий (1371 й.) вафот топган), хуросонлик Зайниддин Абубакр Таябодий (вафоти 1389 й.) ҳамда андхудлик Саййид Баракаларнинг этагидан тутган. Фикримча, ҳазрат соҳибқироннинг йўриғи тўғри, чунки дунёда ўрнак олса, эргашса арзийдиган одамлар кўп. Ҳар бирининг унинг фақат бир ўзига хос бўлган яхши хулқ ва ҳозиқ одати бўлади. Одам қанча кўп кишидан ўрганса, пири-муршиди қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Мен ҳам ҳаётимда улуғ одамларга эргашиш, улардан бирон яхши нарсани касб этишга ҳаракат қиламан. Хусусан, илм-фанда Ўрта Осиёнинг толмас, буюк тадқиқотчиси академик В. В. Бартольд, жаҳонга машҳур шарқшунос олимлар— профессорлар Илья Павлович Петрушевский билан Альфред Карлович Арендларга эргашганман. Чунки улар буюк олим бўлишлари билан бирга, ҳаётда ўта одми, кўнгли очиқ ва инсоний хислатлари кўп кишилар эдилар, Ҳашаматли уйларда туриб, тўкин-сочин ҳаёт кечирган баъзи касбдошлари уларни «дарвеш» дейишарди, «авлиё» деб устидан кулишарди. Айтганларича, кулганларича бор эди-да ўзи. Академик Бартольд бир умр ертўлада ҳаёт кечирди. (1925 йили Нева тошганда, сув унинг деразасидан кириб квартирасини босган экан), И. П. Петрушевский билан А. К. Арендс каталакдай икки хоналик уйда умр ўтказишди. И. П. Петрушевский квартирасига бўлса ёруғлик тушмасди, чунки деразаси йўқ эди. Ҳаракат қилиб яхшироқ жой қилиб олсалар бўларди, лекин бу уларнинг хаёлига ҳам келмасди. Идорама-идора юришга вақтлари йўқ. Чамаси, балки каттакичик тўраларга арз-ҳол тўкишни истамасди. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай илм йўлида заҳмат чекдилар. Ўйлаб кўрсам, тўғри қилишган экан. Мана, оқибати ҳайрли бўлди. Ўзидан даста-даста китоб энг муҳими «чин олим» деган яхши ном қолдирдилар. Бу дунёдан квартирани ҳам, мол-дунёни ҳам орқалаб олиб кетиб бўлмас экан.

— Сиз ўзингизга ва бошқаларга нисбатан ўта талабчансиз. Менимча, одамларга берган баҳоингиз кўпинча тўғри чиқади. Одамдек мураккаб тилсимотни бунча аниқ билишни қандай «ўргангансиз!».

— Талабчанлик — яхши одат. Киши қўл остидагилардан кўра ўзига кўпроқ талабчан бўлса — ундан ҳам яхши. Лекин, бахтга қарши, бошқага ўта талабчан бўламиз-у, ўзимизни эсдан чиқарамиз. Шу пайт ўзини фан ҳодими деб ҳисоблаб юрган бир одам эсимга тушди. У бир умр юмшоқ курсида савлат тўкиб ўлтирди, мансаб деганда ҳеч нарсага қарамай, ўзини томдан ташлади. Ўлтирган ери илм маскани эканлигини, бу ерда ҳар бир кишининг қадр-қиймати илм билан ўлчанишини унутди. Фақат бошқалардан иш талаб қилиб ўтди. Кунмас-куни «Хўш, ўзингизчи?» деб сўраб қолишларини хотирига ҳам келтирмади. Мана, яқинда қартайиб, пенсияга чиқай деб турганда, одамлар унга сояси ўзидан бошқа ҳеч кимга тушмайдиган мевасиз дарахт деб таъна қилишди. Билган одамга бундан ортиқ жазо бўлмаса керак. Одамни, унинг кимлигини бир кўришда англаш, яхши-ёмонни хатосиз ажратиш масаласига келсак, бунақа хислат ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, борлиққа ҳам, йўқликка ҳам сабр-тоқат қилиб кун кечирган одамларнинг кўпчилигида бўлади. Лекин мен баъзи-баъзида адашиб ҳам тураман. Баъзиларга яхшилик қилиб, ёмонлик кўрган пайтларим ҳам бўлган. «Ҳайвоннинг оласи ташида, одамнинг оласи ичида» деб бежиз айтишмаган эканлар донишмандлар.

— Муттасил (ҳатто тобингиз бўлмаганда ҳам) ишлашга одатлангансиз. Бунга қандай эришгансиз!

— Бунинг, янглишмасам, битта сабаби бор— мен меҳнат нималигини болалик пайтларимдан билганман. Отам деҳқон киши эди. Саккиз ёшимдан у менга ҳўкиз етаклатиб ер ҳайдатган, колхоз тузилгандан кейин мактабдан бўш вақтларим далага чиқиб онамга қарашганман, кейинчалик оёқ остига яшик қўйиб босмахонада ҳарф терганман... Хулласи калом, туғилибману меҳнат билан ўтаётибман, меҳнат билан суягим қотган. Қисқаси, уни суюб қолганман. Шунинг учун ҳам ҳатто соғлигим бир қадар ёмонлашиб қолганда ҳам пайт топиб ишлайман. Ҳатто тезроқ ишлайман. Чунки мўлжаллаб қўйган ишларим чала қолишидан қўрқаман. Тинмай ишлашимнинг яна бир сабаби, унинг орқасидан юртда, халқим орасида озми-кўпми обрў-эътибор орттирдим. Буюк даҳоларимиз хожа Баҳоуддин Нақшбанд жаноблари нинг «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «Дил Аллоҳда, қўл меҳнатда» деган ва «Ҳаракат — сендан, баракот — худодан» деган уқтиришларига амал қилишга ҳаракат қиламан.

— Мабодо, Сизга яхши одамларга раҳмат айтиш имкони туғилса, кимларнинг номини тилга олардингиз!

— Имкони бўлганда биринчи навбатда волидайи муҳтарамам, онажоним Роҳилапошша Саййид Камол қизининг пойига тиз чўкиб, ул ажойиб инсонга яна бир марта чексиз миннатдорчилигимни изҳор этган бўлардим. Чунки қўлимдан етаклаб, биринчи марта мактабга олиб бориб қўйган, бир умр борини сарфлаб мени ўқитган шу улуғ инсон бўлди. Ва яна мактабда қўлимга қалам тутқазиб, хат-саводимни чиқарган азиз муаллимларим, илм-фан хазинасига олиб кириб қўйган устозларимга яна бир бор қуллик изҳорини адо этган бўлардим. Ҳаётимда қўнгли қора, ғаразгўй одамларни ҳам учратдим. Энди улардан ҳафа эмасман. Чунки улар менга сергаклик ва ҳушёрликни ўргатишди.

— Мўъжиза рўй бериб, айнан ўзингизга ўхшаш бошқа Бўрибой Аҳмедов билан юзма-юз келиб қолсангиз, нималарни насиҳат қилардингиз, қандай маслаҳатлар берардингиз!

— Сиз айтгандай мўъжиза рўй бериб, айнан ўзимга ўхшаш, лекин ёш бир ҳамкасб учратиб қолсам унга: «Умр дўппи айлангунча ўтиб кетадиган нарса, Шунинг учун вақтингни беҳуда ўтказма, фурсат борида ҳунар касб эт, уни эъзозла» ва яна «оғир меҳнатдан қочма, чунки заҳмат чекмай муродга етолмайсан» ва яна «устозингга бир умрга содиқ бўл, уни улуғ ва мукаррам тут!» деб айтган бўлардим. Таъбир жоиз бўлса, бошимдан кечган бир аччиқ ҳақиқатни мисол тариқасида келтирмоқчиман. Номзодлик диссертациясини ёқлаб олганимдан кейин қарийб ўн йил шуҳрат орқасиданми ёки бошқами, билмадим, ўзимни у ёққа, бу ёққа урдим. Масалан, «АҚШ ва Африка» «Оврупо хавфсизлигига ким таҳдид қилаётир?», «Лотин Америкаси» деган китоблар ёздим. Нимага десангиз ўша вақтларда ўтмиш тарихимиз таъқиб остига олинган, ҳозирги замон масалалари билан машғул бўлган олимларнинг эса ошиғи олчи тушган пайтлар эди. Бир куни Альфред Карлович мени ўйларига чақириб қолди. Бордим. Устоз гап орасида «биз Илья Павлович иккимиз сени манбашунос қилиб тарбиялаган, асрлар қаърига тушишингда шамчироқ бўлиб хизмат қилувчи қўлёзма китоблар оламига олиб кириб қўйган эдик. Сен бўлсанг...» деб қолдилар. Шундан кейин йўлимни яна топиб олдим, қўлёзма асарларни ўрганиш, кўҳна тарихимизни «тирилтиришга» озми-кўпми хизмат қилдим. Лекин ўша ўн йил қулоғини ушлаганча кетди...

Халқимиз тарихининг билимдонларидан бири бўлмиш Бўрибой Аҳмедовдан сўрайдиган саволларим кўп эди. У кишининг эса сизу-бизга айтадиган жавоблари ҳам бисёр. Халқи, миллати камолатини тараққиётнинг юқори босқичларида, ҳеч бўлмаганда ўтмиш аждодлари шаън-шавкатига муносиб бўлмоғини истаган инсон ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида шу эзгу мақсад йўлида заҳмат чекиб келаётир. Алломанинг тадқиқотлари мамлакатимиз тарихининг турли қирраларини ўрганишда ишончли манбалар сифатида дунё олимлари ўртасида эътироф этилганини, айни кунларда ҳам у киши жиддий илмий, ижодий фаолият билан бандлигини таъкидлаб ўтмоқ мухлислар қалбида янги кашфиётлар умидини уйготса ажабмас. Устознинг саъй-ҳаракатлари билан «Амир Темур маърифий жамияти», тузилди. Айни кунларда эса олти юз йиллик тўйи нишонланаётган Мирзо Улуғбек бобомизнинг илмий меросини тадқиқ қилиш ва улуғ аждодимизни халққа танитиш борасида ҳам хайрли ишлар давом этмоқда.

...Бўрибой Аҳмедов нурли кайфиятда халқ денгизига қўшилиб кетар экан, уни навбат кутиб турган янги-янги ижодий илмий режалар ўз қучоғига чорлаётгандай туюлади. Сизу— бизнинг тилагимиз, домла ҳеч қачон толмасин, ҳоримасин.

Ҳаким САТТОРИЙ гурунглашди.

ДАНГИДИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ДАВЛАТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

● Россия Федерацияси таркибидаги Хакасия республикасида бу йил давлат тизимидаги бошқарув маҳкамаларига маблағ ажратиш ярим миллиард рублга қисқаради.

Натижада 576 нафар амалдорнинг 99 нафари касбини ўзгартиришга мажбур бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ўз мавқеини йўқотган лавозимлар ҳам тугатилади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг айтишича, бу ўзгаришлар давлат аппарати тизимини такомиллаштиришнинг биринчи босқичи, холос.

БАНК ТИЗИМИ ХАВФ ОСТИДА

● Кенияда молия ташкилотлари хизматчиларининг иш ташлаши натижасида давлат банк тизими фаолияти жиддий хавф остида қолди.

Иш ташлашда мамлакатдаги 23 банкнинг 12 мингдан зиёд хизматчиси қатнашмоқда. Улар ойлик иш ҳақини 70 фоизга оширишни талаб қилишган. Маъмурият эса бор-йўғи 34 фоиз оширишга рози. Банк хизматчилари бу шартни қабул қилишмади ва иш ташлашни давом эттиришмоқда.

МАҲСУЛОТ КЕЛТИРИШ ҚИСҚАРАДИ

● Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги вазирлигининг иқтисодий тадқиқотлар хизмати маълумотига кўра, бу йил собиқ иттифоқ республикаларининг АҚШдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиши 50 фоизга қисқаради.

Бунинг сабаби мустақилликка эришган собиқ иттифоқ республикаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётгани ва маълум молиявий қийинчиликлардир, дейилади тадқиқотчилар хулосасида.

КИМНИНГ ҚУРОЛИ КЎП?

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг аниқлашича, дунё бўйича энг кўп қурол ва ҳарбий техникани Ҳиндистон ҳамда Покистон давлатлари сотиб олмоқда.

Рўйхатнинг бошида Ҳиндистон турибди. Кейинги тўрт йил давомида бу мамлакат 12,2 миллиард долларлик ҳарбий техника сотиб олган. Покистон ва Ҳиндистон мамлакатлари БМТ томонидан ядродор ёки тез орада ядро қуролига эга бўладиган давлатлар рўйхатига киритилди.

ГИЕҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ НАТИЖАСИ

● ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлигининг матбуотда чоп этилган маърузасида айтилишича, мамлакат қамоқхоналарида ҳозирги кунда миллиондан ортиқ киши сақланмоқда, яъни 1980 йилдан буён маҳбуслар сони уч баравар ошган.

Маълум бўлишича, АҚШда гиёҳвандликка қарши кураш эълон қилиниши муносабати билан қўлланилаётган кескин чоралар маҳбуслар сонининг кўпайишига асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

ЭКОЛОГИК СОЛИҚ

● ТОКИО. Японня ҳукумати томонидан тасдиқланган атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги «Оқ китоб»да мамлакатда экологик солиқ жорий этиш таклиф қилинади.

Унда, шунингдек, экологик жиҳатдан тоза технологияни қўллашда хусусий сармояларни кенг кўламда жалб этиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.

БОШ ВАЗИР ФИКРИ

● ЛОНДОН. Европа Иттифоқи таркибининг кенгайиши Европа хавфсизлиги учун муҳимдир, деди Би-Би-Си радиокомпанияси мухбири билан суҳбатда Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор.

Бош вазирнинг таъкидлашича, мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаат ва тенглик асосида савдо-иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланар экан, улар ўртасида ҳеч қачон низо чиқмайди.

БОЛТИҚБЎЙИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

● СТОКГОЛЬМ. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, Швеция Бош вазири Карл Вильдтнинг Эстония Бош вазири Март Лаар билан музокараларида Болтиқбўйи мамлакатларидан Россия қўшинларини чиқариш масаласи муҳокама қилинади.

7—8 июнь кунлари Таллинда бўлиб ўтадиган мазкур учрашув чоғида икки ҳукумат раҳбари Россиядаги вазият ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар юзасидан ҳам фикрлашиб оладилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ДАНГИДИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Термиз шаҳрида вилоят ижодкор ўқитувчиларининг кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туманларидаги мактабларда ишлаётган элликка яқин истеъдодли ўқитувчилар иштирок этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармаси ташкил этган бу кўрикда назм бўйича Олтинсой туманидаги Ҳамид Олимжон номли 3-мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси Шамсия Худойназарова, наср бўйича Денов шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг тарих ўқитувчиси Насриддин Исмоиловлар ғолиб, деб топилди.

Ғолиблар республика ижодкор ўқитувчилари танловида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

«ЗИЁКОР» — МАОРИФЧИЛАР ГАЗЕТАСИ

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси хайрли ишга қўл урди. Унинг сайъ-ҳаракатлари туфайли «Зиёкор» газетаси чиқа бошлади.

Газета ижодий жамоаси халқ маорифчиларининг ўйташвишлари, хайрли ишлари ва муаммоларини ёритиб боришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Газета вилоят ўқитувчилари орасида ўз обрў-эътиборини топмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ обуначилар сонининг 4 мингдан ошиб кетгани шундан далолатдир.

Абдужалил УМАРОВ.

• *Диққат, янгилик!*

ҲАЙДОВЧИ ҲОЛАТИНИ ЭҲМ АНИҚЛАЙДИ

Возор иқтисодиёти халқ хўжалигининг барча тармоқларига ўз таъсирини ўтказяпти. Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси ташаббуси билан «Республика транспорт ҳайдовчиларининг касбига яроқлилигини аниқлаш маркази»нинг ташкил этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Бу марказнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Эндиликда узоқ-яқин сафарга чиқаётган ҳар бир транспорт бошқарувчиси ҳар томонлама текширувдан ўтказиладиган бўлади. Бу эса транспорт ҳайдовчилари ўртасида учрайдиган автоҳалокатларнинг олдини олиб ва камайтиришга олиб келмоқда. Йўлларини бехатар қилмоқда.

Мухбиримиз «Ўзавтотранс» корпорациясида бўлиб, бирлашма бошқаруви раиси ўринбосари Мансур Маҳмудович АЛИЕВ билан шу янгилик хусусида суҳбатлашди.

— Мансур Маҳмудович, статистик маълумотларга қараганда, кўп кўнгилсиз воқеалар автотранспортчилар билан боғлиқ бўларкан. Масалан, учувчилар ва поезд машинистларининг касбга яроқлилигини аниқлаш маркази анчадан бери мавжуд. Шу боис мазкур соҳаларда турли кўнгилсиз воқеалар кам бўляпти. Давлат автотранспорт хизмати тизимида ҳам шунга ўхшаш марказни ташкил қилишга қўл урилибди...

— Ҳақиқатдан ҳам, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, автомобиль ҳалокати туфайли дунёда ҳар йили 250 минг киши ҳалок бўлади ва деярли 8 миллион киши тан жароҳати олади. Бунинг сабаби нимада? Нима учун автомобиль транспортида жароҳатланишлар бунчалик юқори?

Бу соҳадаги тадқиқотларнинг кўрсатишича; барча йўл-транспорт ҳодисаларининг 80 фоизи ҳайдовчилар транспортни бошқариш жараёнида йўл қўйган хатолар туфайли содир бўлаётган экан. Демак, бу хатоларнинг сабабларини чуқур ўрганишимиз керак.

Муҳими, ҳайдовчиларни тайёрлаш даврида ва бундан кейинги касб фаолияти жараёнида уларнинг пухта ишлашини таъминлаш учун зарур чораларни қўллаш талаб этилмоқда. Бир неча йил муқаддам «Ўзавтотранстехника» ИИБ ҳузурида ҳайдовчиларнинг руҳий физиологик ҳолатини ўрганиш юзасидан лаборатория ташкил этилган эди. Лекин бу лаборатория биз кутганчалик натижа бермади. Бугун биз «Республика транспорт ҳайдовчиларининг касбга яроқлилигини аниқлаш маркази» ташкил этиб, бу соҳада тўб бурилиш ясаяпмиз.

Марказ март ойидан ўз иш фаолиятини бошлади. Шу ўтган қисқа вақт ичида Марказ ўз Низомига эга бўлди. Вазифалари ва ҳуқуқлари аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Марказнинг асосий вазифаси автоҳалокатга йўл қўймасликнинг олдини олиш. Транспорт воситаларига юқори малакали, яъни касбига қобилиятли ҳайдовчилар танлаб олинади.

Ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодларнинг касбига яроқлилиги электрон-ҳисоблаш машиналарида махсус дастур воситаси ёрдамида физиологик ҳолати, қобилияти, аниқланади, сўнг маълумотлар уларнинг «Касбга яроқлилиги ҳақидаги «хулоса» варақаларига ёзилади.

Махсус дастурда юздан ортиқ йўл ҳаракатлари ва одамнинг ички физиологик кўрсаткичлари киритилган, шулардан; хотира, диққат, сезгирлик, таваккалчиликка мойиллик ва таъсирланиш каби асосий кўрсаткичлар натижалари орқали ҳайдовчиларни тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқаришга, касбий яроқлилиги белгиланади.

Марказ ўтган қисқа вақт ичида ҳайдовчиларни тўла касбга яроқлилиги кўригидан ўтказиш учун жойларда 15 та бўлимни очди. Бундан ташқари, йўл ҳаракатини бузганларни ва қайтадан ДАНда имтиҳон топшираётганларни ҳам кўрикдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ бўлимлар ташкил қилди.

— Йўловчи ташиш инсон ҳаёти билан боғлиқлиги учун ҳайдовчидан ниҳоятда хушёрликни талаб этади. Баъзи ҳайдовчилар эса ишда зўриққанлиги ёки соғлиғи яхши эмаслиги туфайли маълум вақт бириктирилган транспорт ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилинмоқда?

— Ички ишлар вазирлиги, Давлат автомобиль назорати бош бошқармаси билан ҳамкорликда 165 та автокорхона, депо ҳайдовчиларини ёппасига кўрикдан ўтказиш режалари тасдиқланди. Бундан ташқари, руҳий касаллик, гиёҳвандлик ва сурункасига спиртли ичимлик истеъмол қилувчи ҳайдовчиларни аниқлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқармалари билан биргаликда эксперт комиссияси тузилди. Натижада 20 мингдан ортиқ ҳайдовчи касбига яроқлилиги кўригидан ўтказилди. 2888 ҳайдовчида диққат сезгирлиги сусайиш ва ички физиологик камчиликлар топилди. Шу жумладан, 1092 киши юқорида айтилган Низомнинг 2-иловасига мувофиқ мураббийларга бириктирилиши ва автокорхона раҳбарлари томонидан назорат ўрнатилиши тавсия этилди. 1209 ҳайдовчи бир ой муддат билан, 429 таси икки ой муддатга автомобиль ҳайдаш ҳуқуқидан четлаштирилиши учун йўлланмалар берилди.

— Марказда ишлаётганлар асосан қайси соҳаларни кўпроқ билиши керак?

— Марказнинг Низомига мувофиқ муҳандис-механик, автомобиль соҳаси бўйича, муҳандис-дастурчи, саноат ва транспорт бўйича мутахассис руҳшунослар кўпроқ бўлиши, муҳими, автотранспорт соҳасида катта тажрибага эга бўлганлар ишлаши тақозо этилади.

— Касбга яроқлиликни аниқлаш марказининг вилоят бўлимларини ҳам очиш режалаштирилганми? Унга мутахассисларни қайси институт етказиб беради?

— Кадрлар масаласида Тошкент Давлат университети ва Тошкент политехника университети билан шартнома тузиш мўлжалланяпти. Биз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ушбу соҳани ҳам ўқиш дастурига киритиш тўғрисида мурожаат қилмоқчимиз. Марказ бундан ташқари, автомобиль йўллари институти раҳбарлари билан шартнома тузмоқда, яъни ушбу институт хавфсизликни сақлаш мутахассисларини тайёрлайди. Битирувчилардан бир нечтасини шу йилнинг ўзидаёқ Марказга таклиф этмоқчимиз. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида Марказнинг бўлинмаларини очиш мўлжалланган. Қолган вилоятларда ҳам бўлинмаларни очиш учун керакли меъёр-методик ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Марказ «Ўзавтоходимлар» тайёрлаш бошқармасининг раҳбарларидан, ходимларидан миннатдор. Яқинда «Алгоритм» заводидан 20 та комплект компьютер сотиб олинди. Завод билан алоқа яхшиланмоқда.

Республика Ички ишлар вазирлигининг ДАН бошқармаси ходимлари ҳам бу борада яқиндан ёрдам беришяпти.

Суҳбатдош Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• *Хотира*

САБОҚ ВА САВОБ

Ҳадисларда бир нақл бор: «Одамзотнинг бу дунёга бир келиши, бир кетиши бор»... Одамзот борки, ҳаёт бор, одамзот фақат шу гўзал ҳаётни янада гўзал қилиш учун дунёга келади... Ана шундай инсонларнинг бири Самарқанд вилояти Андоқ қишлоғининг фарзанди, онасининг бағрида отасиз укалари билан заҳмат чекиб, вояга етган Сафар Ўтанов ҳақида қалам жонли ва озорли тебранаётибди.

Бундан йигирма йиллар олдин Сафар аканинг муҳтарама волидалари вафот этдилар, ўғил онасининг қабри бошида. «Онам бўлмаганида мен, синглим ва укам уруш йиллари очдан ўлиб кетар эдик. Энагинам шу уч гўдакни боқиш учун ўрилган буғдойзор тупроғида қолиб кетган битта-яримта бошоқ донларини териб, бизга едирди. Бодомчанинг аччиқ мағизини талқон қилиб, ўзи емай бизга берди... Шундай энагинамдан ажралиб қолдим-а», дея юм-юм йиғлаганди. Сафар акани она изтироби толиқтирдимикан, деган ўйга толаман... У ҳаётида барча яхши хислатларга эришувида онасининг беқиёс заҳмати борлигини суҳбат ва давраларда баралла айтгувчи эди...

Сафар аканинг ёшлик йиллари айтарли ҳузур ва ҳаловатдан анча узоқ кечган. У она ёнида қишлоқ поларини бўяди, олти-етти синф бошланғич таълимини ҳам сиртқи қилиб, тоғу даштда топган китобини титкилади. «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Маликаи айёр» каби достонларни болалик руҳига мустаҳкам боғлади. Каттақўрғон муаллимлар тайёрлаш билим юртини «Менинг биринчи дорилфунуним» деб атади. Кейин билим олиш учун шаҳарга интилди. Армия хизматидан дунёни, ҳаётни ўрганиб қайтди. Чиниқди, олдинга интилиш ҳиссиёти Низомий номидаги Тошкент педагогика институти тарих-филология факультетига бошлади. Билимга чанқоқ йигитни бутун ёшлар шижоати, жамоатчиликнинг қайноқ ҳаёти ўз бағрига олди.

Аспирантура, илмий изланишлар, фалсафанинг ҳаётий фалсафалари, кенг тафаккур ва мушоҳадалар, муаллимлик фаолияти — ҳақиқий дунёга келишнинг олий мақсадига жавобан у бутун умрини савоб ва сабоққа бағишлади. Бундан бир неча йил олдин ўзи билим олган юбилей кечасида, Сафар Ўтановнинг айтган ҳаяжонли сўзлари ёдимга келади: «Бу даргоҳ билан ҳар қанча фахрлансам, ғурурланса арзийди. Чунки бу билим маскани мени ҳақиқий ҳаёт йўлига бошлади. Билим олдим, ҳаёт тафаккурига, мушоҳадасига боғландим, тилим силлиқлашди, кўзим нурлари янада ойдинлашди. Бахтимни, оилавий тахтимни шу бебаҳо масканда топдим. Умр йўлдошимни шу остонада севиб қолиб, турмуш қурдим. Учта навқирон фарзандинг отасиман».

Сафар ака ўз ҳаётининг охирги кунларига қадар республикамизнинг оммавий-ахборот воситалари билан ҳамнафас яшади. Кунлаб, кун оралаб чиқаётган икки-уч газетанинг биттасида шу куннинг муаммоси тўлиқ баёнини Сафар Ўтанов талқинида мириқиб ўқирдик. Тошкент «ойнаи жаҳони»нинг «Одобнома» кўрсатувида Сафар Ўтановнинг оҳиста овози, ҳаётий оҳанглари «қизим сенга айтаман» қабилидаги маънодор, тагдор дона-дона сўзлари хаёлимни ўзига оғдирарди.

Шу куннинг файласуфи бўлиб етишган Сафар Ўтановнинг газета ва журналларда чиққан мақолаларидан ташқари халқимиз онгига сингиб, оммалашиб кетган бир неча салмоқли китоблари ҳам барчанинг ижобий таҳсинига сазовор эди. У киши Тошкентдек азим шаҳарда яшаб, гўзал Самарқандини, Каттақўрғон, Хатирчи, Иштихон, Мойбулоқ қишлоқларининг шу кундаги муаммолари, ёрқин келажагини ифтихор билан куйларди. Андоқ, Ёнбош, Жизмансой боғларини янада кўркам ва гўзаллаштириш борасида у ерда заҳмат чекаётган чўпон-чўлиқлар ҳаётини, эндигина бу залворли диёрга қадам қўяётган навқирон ёшларнинг порлоқ истиқболини қаламга олиб, жўшиб-жўшиб сўзлашни истарди. Сафар Ўтановнинг яна бир хислати ёрдамга муҳтож кишиларнинг ғамида, улар дардига малҳам бўлиш истаги билан яшар эди. Унда одамларга нисбатан меҳр-шафқат юксак эканлигини барча сафдош дўстлари тан олишарди. Во дариғ, Сафар ака савоб ва сабоқ борасида сўнгги нафасигача заҳмат чекди.

Ҳа, инсон ўз изида келиб-кетишда давом этаверади. Аммо инсон билан инсоннинг фарқини ўлчаш ниқоятда мушкуллигига имоним комил. Бугун орамизда устоз Сафар ака йўқ. Аммо у кишининг биз ва сиз яшаб турган ҳаётимизга бўлган жиддий муносабати, чин инсонийлик, одамийлик ҳисси ҳеч қачон унутилмайди. У киши катта ижодий куч билан фаолият кўрсатган илмий кафедра номини шу куннинг миллий руҳи сингдирилган «Одобнома» талқинини республика илк бор кашф этди. Бу эса жонажон Ўзбекистоннинг мустақилликка эришувидаги ҳақиқий фидойи инсоннинг туҳфаси эди.

Жумақул КАРИМОВ, фалсафа фанлари номзоди.

• *Спорт*

СОВРИН ОКЕАН ОШАДИГАН БЎЛДИ

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧУН ҲАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

PRESIDENT CUP — UZBEKISTAN — INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT — TASHKENT 1994

● ТЕННИС—ЖАҲОНИЙ МАДАНИЯТ ТИМСОЛИ

● ТУҚҚИЗ КУНЛИК БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

● ОГОРОДОВГА—«ВОЛГА», ҒАНИЕВГА — «ЖИГУЛИ»

● БЕТАКРОР ВОҚЕАЛАР, УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР.

Буюк келажак сари собит қадам ташлаётган истиқлол юртимизда яна бир хайрли иш муваффақиятли якунланди. Тошкентга жаҳоннинг кучли теннисчиларини таклиф қилиб, «Президент кубоги» учун ҳалқаро мусобақанинг ўтказилиши Ўзбекистон номини дунёга ёйилишида муҳим аҳамият касб этди. 20 мамлакатдан келган таниқли спортчилар «Ўзбекистон, Тошкент, Юнусобод», сўзларини дилларига жо қилиб кетдилар. Муҳими, юртимизда ҳалқаро талаблар даражасида нуфузли мусобақани ўтказишга етарли имкониятлар борлиги амалда намоён бўлди.

Куни кеча меҳмонлару спортчиларга «Президент кубоги» — Тошкент—94» деган каттагина китоб совға қилинди. Бу китоб Тошкентда ўтказилган ҳалқаро турнир мусобақасига бағишланган. У Исроилнинг «ЭЛ-ОР ЛТД» корхонасида чоп этилган бўлиб, бежирим ва сифатлилиги, рангли суратларга бойлиги билан диққатга сазоворлир. Китобда ҳалқаро мусобақанинг ташкил этилиши, унинг иштирокчилари, ташкилотчилари, Ўзбекистонда теннис тарихи ва моҳир спортчилар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Китоб спортчию мутахассислар учун ажойиб совға бўлди.

Бу китобда юртбошимизнинг ҳалқаро теннис мусобақаси қатнашчиларига табриги босилган. Жумладан унда шундай сўзлар бор: «Тошкентни «Шарқ дарвозаси» дейишлари бежиз эмас. Азалдан бери у Шарқ ва Ғарб орасида туташтирувчи кўприк бўлиб келган, дўстлик, тинчлик ва эзгулик йўлидаги хайрли ишлар билан фахрланиб келган. Мен ўйлайманки, пойтахтимиз бу ҳислатлари билан келажакда турли спорт анъаналари шаҳри бўлишга лойиқ». Мусобақа ташкилотчиларидан бири, таниқли ишбилармон, Швейцариянинг «АТП—ЛТД» фирмасининг президенти Сасон Какшури сўзлари ҳам диққатига сазовор: «Ўзбекистон тенниси ҳаётида «Президент кубоги» энг ёрқин ҳодиса бўлиб қолади ва шунинг билан бирга Ўзбекистон ва «Буюк ипак йўли»нинг барча мамлакатларида спорт турлари ривожланишига катта ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда Осиё теннис стадионлари орасида яна бир ажойиб ўйингоҳ пайдо бўлди, кўпгина стадионлар тикланиб, янгиланди».

Ҳа, юртимиз пойтахтида бир неча кун мобайнида теннис нафаси уфуриб турди. Бу одамларга байрамон кайфият бахш этди. Теннис — жаҳоний маданият тимсоли, деб бежиз айтилмайди. Тошкентликларнинг ҳар кунги мусобақани кўришга, хусусан, якунловчи баҳснинг шоҳиди бўлишга интилишлари баҳоят катта бўлгани ҳам шундан нишона. Одамлар мусобақага оилалари билан, бола-чақалари билан байрамона кийинган ҳолда ташриф буюрдилар. Ваҳолонки, спортнинг бирон тури бўйича ўтказилган ҳар қандай мусобақада бундай манзарани кузатиш амри маҳол.



Бош соврин Чак Адамс қўлида. ШЕРБЕК олган сурат.

Бош соврин учун ҳал қилувчи учрашув «Юнусобод» спорт мажмуининг катта ўйингоҳида, теннис ошуфталари билан лиқ тўлган ҳолда ўтказилди. Олқишлар янграб турди. Тошкентга ташриф буюрган теннисчилар орасида мақоми жиҳатидан сардор бўлиб турган АҚШ спортчиси Чак Адамс билан белгиялик Ф. Де Вульф ўртасидаги баҳс қизғин ва муросасиз бўлди. Зеро, мутахассислару шарҳловчилар олдиндан бекорга башорат қилмаган эканлар. Адамс бош совринга асосий даъвогар эканини кўрсатди. У яккама-якка баҳсда бешта учрашувни ғалаба билан якунлаб, муваффақият қозонди. Электртаблода 6:4, 4:6, 7:6 рақамлари порлаб турарди. Шундай, қилиб, 32 нафар теннисчи орасида Адамс ғолибона қўл кўтарганда, янграган олқишлар узоқ давом этди.

Халқаро мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими ҳам ранг-баранг бўлди. Шундан кейин мукофотларни топшириш бошланди. Ҳал қилувчи учрашувда астойдил ҳаракат қилиб, 2-ўринни олган белгиялик Вульфга биллур соврин ва тегишинча — 10600 миқдорида АҚШ доллари тақдим этилди. Халқаро мусобақа ғолиби Адамсга «Президент кубоги» ва 18000 доллар берилганда, қарсаклар янгради. Қувончини яширолмаган ғолиб, бош совринни баланд кўтариб, намойиш этди. Начора, соврин океан ошадиган бўлди.

Кейин ҳомийлик тарзида таъсис этилган эсдалик совғалари берилди. Юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган Олег Огородова «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг «ГАЗ-31» енгил машинаси калити топширилди. Миллий теннисчиларнинг сардори Темур Ғаниевга эса «Ўзенгилсаноат» уюшмаси томонидан ажратилган «Жигули» енгил машинасининг калити берилди «Экосан» халқаро жамғармасининг саховати — биллур соврин Д. Томашевичга насиб этди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида одамларга қувонч улашган теннис мусобақасининг байроғи оҳиста туширилди.

Бир сўз билан айтганда яна бир унутилмас ва ажойиб воқеанинг шоҳиди бўлдик. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси, Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигида олиб борилган ташкилий ва тадбирий ишлар ўз самарасини берди. «Юнусобод» спорт мажмуининг соҳиблари — «Ўзбексавдо» давлат ассоциацияси барча юмушларни ҳалқаро талаблар даражасида ўрнига қўйганини эътироф этиш керак. Умуман, янги спорт кошонасининг истиқболи порлоқ. Боиси, ўйингоҳ яқинида «Диснейленд» экспо маркази ва Аквапарк бунёд этилмоқда. Шунингдек, жаҳон талабларига мос Бизнес-марказ ва беш юлдузли меҳмонхона ҳам қурилади. Тошкент метросининг «Юнусобод» йўналиши эса битиш арафасида. Бу ҳаммаси Тошкентда бундай нуфузли мусобақани анъанага айлантиришга замин бўлади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қилолмайди... Соғлом авлодни эса спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳа, теннис спортнинг ажойиб тури сифатида соғлом авлодни камолга етказишга хизмат қилгусидир. Кичик тўпнинг катта байрами эса меҳмону мезбонларда унутилмас таассурот қолдиради.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ФЕРУЗ ХОРИЖДА БЎЛГАНМИ?

Атоқли шоир ва ҳукмдор Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз ҳаёти советлар замонида етарлича ўрганилмагани, шу боис, ул зот ижоди ва ижтимоий фаолиятининг талай жиҳатлари ҳануз номаълум бўлиб қолаётгани сир эмас. Хусусан, Хоразм ҳукмдорининг хорижга боргани ҳақида шу кунга қадар аниқ бир маълумот йўқ. Аммо, тахминлар бисёр. Биз 1979 йилда Истанбулда нашр этилган турк тили ва адабиёти қомусининг учинчи жилдини варақлаб, бу тахминларда жон борлигини ҳис этдик. Ушбу китобда Феруз шахсига қисқача таъриф берилади ва у Истанбулдан турли соҳа мутахассисларини Хоразмга келтиргани айтилади. Бу — Феруз хорижда — Туркияда бўлганига бир далил.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган ҳам ота, ҳам она тарафдан Ферузга чевара ҳисобланмиш Саидпошша ая Исмоил қизининг хотирлашича, хоннинг Робияжонбика исмли хотини бўлган. Хон унга Истанбулда уйланган экан. Саидпошша аянинг айтишича, инқилобдан сўнг хон авлодлари қувғинга учраб, молмулки талон-торож қилингач, Робияжонбика Москвадаги Туркия элчихонасида ишловчи иниси ёрдамида ватанига кетган. Хоннинг бу хотинидан зурриёд бўлмаган.

Хуллас, Саидпошша аянинг ана шу хотиралари ҳам Ферузнинг хорижда бўлгани, чет давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишга интилганидан далолат беради.

Муртазо ҚАРШИБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажоновга волидаи муҳтарамаси

Ибодат МУЛЛАЖОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Ўзмарказбанк бошқаруви Раиси Файзулла Мақсутжонович Муллажоновга волидаи муҳтарамаси

Ибодат МУЛЛАЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Марҳуманинг охирати обод, барча яқинларига сабр-тоқат ҳамроҳ бўлсин!

«Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент кооператив-тижорат коллежи жамоаси ушбу коллеж қошидаги республика малака ошириш курсининг мудири Э. Ш. Сироженга онаси

Анварой ШАРОФОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маҳаллий саноат» Давлат корпорацияси ходимлари республика саноат-савдо концерни Раиси Сурат Усмонович Муҳамеджановга волидаи муҳтарамаси

Раҳбархон ая ВАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент кимё технология институти ректорати ижтимоий-гуманитар кафедраси муаллимлари шу кафедра профессори С. О. Отамуродовнинг қайнонаси

Муҳаррам ая НАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тадбиркор» акциядор-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг Раиси Ф. М. Муллажоновга волидаи муҳтарамаси

Ибодат аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти, жамоаси собиқ бош муҳаррир ўринбосари Холбек Ёдгоровнинг рафиқаси

Фотима Ориф қизи ЁДГОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУТАХАССИС ШАРҲИ

Генрих ДАШЕВСКИЙ,
республикада хизмат кўрсатган тренер

Юртимизда теннисни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, спортчилар маҳоратини оширишга катта эътибор қилиб, қулай шароитлар яратилаётгани мутахассисларни айниқса қувонтириб юборди.

Тўғри, теннисчиларимиз учун бу галги мусобақа маҳорат синови бўлди, дейиш мумкин. Лекин улар бўш келишмади. Айниқса Дмитрий Томашевич билан Олег Огородовнинг ютуқларини алоҳида таъкидлаш керак. Дмитрий яккама-якка баҳсда ғалабага эришиб, моддий ва маънавий манфаатдорликка эга бўлгач, ўйиндан чиққан бўлса, Олегнинг курашни чорак финалгача олиб бориши таҳсинга лойиқдир. Мухлислар венгриялик машҳур Ножали билан Огородов ўртасидаги қизғин беллашувдан мамнуннят ҳосил қилдилар. Зеро, яккама-якка баҳсда ҳеч ким Адамсга бас келолмаслиги олдиндан аён эди. Профессионаллар орасида 85 мақомга эга бўлган бу теннисчининг маҳорати ошиб боравётганлиги кўринди. У инглиз Фостер, голландиялик Винник, кениялик Векеса ва ниҳоят Ножалини доғда қолдириб, финалга чиқди. Рақиби Вульф ҳам чакки теннисчилардан эмас. У тўртта ғалабадан кейин Адамсга рўбарў бўлди. Астойдил курашди. Лекин маҳорат устун келди. Жуфтликда эса К. Алами билан Ш. Ножали ғалаба қозонишди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкентга 85-220 гача бўлган мақомдаги теннисчилар келишганди. Бу дунё миқёсидаги кучлиларнинг иккинчи юзлигини ташкил этган спортчилардир. Ўйлайманки, мусобақамиз анъанага айланса, келаси йили биринчи юзликка кирувчи теннисчиларни ҳам таклиф этиб, мусобақамиз нуфузини янада юқори кўтаришига имкон топишимиз мумкин бўлади. Шунга қарамай бу галги мусобақадан нафақат теннисчилар, балки ишқибозлар ҳам завқландилар.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—939 85501 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди—22.30. 1 2 3 4 5 6.